ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Қишлоқ ҳаёти

QiShLO'Q HAYO'Ti

1995 йил
25 август
ЖУМА
№ 34 (5.658)
сотувда
эркин нархда

ТАЪСИСЧИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ

БУГУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Шу йил 22 август куни Қишлоқ хўжалик вазирлигида сим орқали мажлис бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошқарди. Мажлисда Бош вазир ўринбосарлари, вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари, вилоят, туман ҳокимлари, хўжаликлар етакчилари, олимлар иштирок этдилар.

Йиғилишда дефолиацияни ўтказиш, пахта териш машиналарини мавсумга тайёрлаш, кузги ғалла экишга ҳозирлик кўриш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди. Пахтанинг етилиши, мавсумга жойларда қандай тараддуд кўрилаётгани хусусида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазири Р. Ҳ. Ҳусанов ахборот берди.

Пахтачиликда масъулиятли дамлар бошланди. Ёз буйи қилинган фидокорона меҳнат самараси далаларда мўл ҳосил бўлди. Энди уни қисқа муддатларда йиғиштириб олиш лозим. Утган йили йўл қўйилган хатолар такрорланмасин. Бултур узибурарчилик, сансалорликка йўл қўйилгани оқибатида пахтанинг маълум қисми нобуд бўлди. Ҳар уч тумандан биттаси пахта тайёрлаш режасини бажара олмади.

Мажлисда алоҳида таъкидланганидек, айрим раҳбарлар зиммаларидаги масъулиятни бушаштириб юборишган. Иккки уч йиллаб пахта ва ғалла режасини уддалай олмаётган Қонликўл, Кегейли, Пахтакор, Челак, Мирзаобод, Бандихон туманлари ҳокимлари кескин танқид қилинди. Бунинг сабаби нимада? Ёки ҳокимлик вазифасини эплай олишмаяптими?

Айни кунларда кўпгина вилоятларда ғўза баргини сунъий тўкириш ишлари бошланди. Ушбу тадбирни бир марта сифатли ўтказиш даркор. Бултур Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларида дефолиация кечикди. Қатор хўжаликларда у икки мартадан ўтказилди. Гектарига 20—25 килограммдан хлорид-магний сарфланди. Пировардида кўсак куйди, унинг танноҳи қимматлашди. Дўстлик, Шароф Рашидов, Бекобод, Пискент туманларида терим кеч бошланди. Режа бажарилмади, гектаридан атиги 18—20 центнердан ҳосил олинди. Бу йил бундай ҳоллар такрорланишига йўл қўйиш асло мумкин эмас.

Пахта майдонларининг 1 миллион 300 минг гектари дефолиация қилиниши мўлжалланган. Дорилар етарли миқдорда гамланган. Барча вилоятларга керакли миқдорда тарқатилди. Уларни қандай ишлатиш юзасидан Сирдарё туманининг «Синдоробод» жамоа хўжалигида республика семинар кенгаши ўтказилди. Тадбирлар белгиланди.

Дефолиация ҳосил тақдирини ҳал этадиган муҳим тадбир. Уни сифатли бажаришга алоҳида эътибор бериш керак. Шуниси ачинарлики, баъзи хўжаликларда дефолиация қачон ўтказилиши ҳанузгача аниқланмаган. Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент вилоятларида мавжуд пуркагичларнинг 72—75 фоизи созланди, холос. Ваҳоланки, улар шу кунгача тахт қилиниши зарур эди.

Бу йил пахта эрта етилди. Дефолиация ҳам эрта бошланмоқда. Шу билан бирга экинларни қондириб суғориш ишлари давом этаётир. Сув таралган пайкалларга ОВХ тракторлари кира олмайди. Шунинг учун самолёт ва вертолетлардан фойдаланиш даркор. Бу муҳим тадбирнинг муддатида, яхши ўтишини

Сим орқали кенгаш

таъминлайди.

Пахта териш машиналарининг таъминини ҳам ҳамма жойда кўнгилдагидек деб бўлмайди. 1994 йил ҳосилини йиғиштириб олишда Жиззах, Тошкент, Сирдарё вилоятларида қолоқликка йўл қўйилди. Зангори кемалардан унумли фойдаланилмади. Терим қизғин паллага кирган дамларда номига «таъмирланган» техника воситалари ўтказилди. Бундай кўзбўямачиликнинг кимга кераги бор? Жабрини барибир ўзлари тортишади-ку!

10 минг пахта териш машинаси ҳисобдан чиқарилди. Бу каттагина эҳтиёт қисмлари заҳираси демак. Ишга яроқли булакларини таъмирланаётганларига қўйса бўлади-ку! Афсуски, шу имкониятлар баъзи раҳбарларнинг лоқайдлиги боис ишга солинмаяпти. Берилган муҳлат утиб кетса-да, қатор хўжаликларда терим машиналари таъмири ниҳоясига етмаган.

Қул кучи оз, ҳосилнинг асосий қисми техника ердамида териладиган Баҳористон, Нишон, Косон, Шароф Рашидов туманларида мавжуд зангори кемаларнинг 65—70 фоизи созланди, холос. Ҳаракатни тезлатишмаса эртага аттанг дейишдан фойда йўқ.

Мазкур йигинда яна бир бор терим қатнашувчиларига вақтида ҳақ тўланиши шартлигини алоҳида уқтирилди. Иккинчидан, одамларни теримга тўла жалб этиш лозим. Утган йили ишга яроқли кишиларнинг 60—65 фоизигина далага чиқди. Натижада ўнлаб гектардаги оқ олтин ёғин-сочинли кунларга қолиб кетди.

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида пахта яхши етилди. Яна бир қувончли томони, учала вилоятда мавсумга ҳам пахта ҳозирлик кўрилмоқда. Комсомолобод туманида барча техника муддатидан олдин шай қилинди. Механизаторларга пул, озиқ-оқат маҳсулотлари тарқатилди. Дефолиация белгиланган қоидалар асосида сифатли ўтказилмоқда.

1994 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олишда кўпгина туманларда техникадан самарали фойдаланилмади. Хўжаобод, Ғиждувон, Пешку, Вобкент, Шаҳрихон, Уйчи туманларида машина терими қониқарсиз бўлди. Булгурги вақтни бой бериш сабоқ бўлиши лозим эди. Аммо Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларида зангори кемаларнинг ҳали ярми ҳам созланмаган. Мавсум бошланмоқда, лекин бу аҳвол мутасаддиларни ташвишлантирмаётир.

Ҳосил етилиши Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида мақтагулик эмас. Вазият жадал ҳаракат қилиб ҳосилга ҳориладиган майдонга уруғлик экилиши режалаштирилган. Илғорлар тажрибасини кенг ёйиб 1996 йилда мамлакатимиз буйича ҳар гектар ғаллазордан ўртача 38—40 центнердан ҳосил олишга эришиш даркор.

Ғаллачиликда аввал йўл қўйилган хатолар такрорланмасин. Экишдан то ҳосил уриб-янчиб олингунча вазифага масъулият билан ёндошмоқ лозим. Бир хўжалик гектаридан 50—60 центнердан ғалла етиштирса-да, ери, шароити ўхшаш ёнидагисида 25 центнердан ошмаса, сабаби нимада?! Сабаби оддий: уруғ сифатига эътибор берилмаган, вақтида уғитланмаган, суғорилмаган.

Ислоҳотларни амалга ошириш баъзи вилоятларда суст кетмоқда. Фермаларни ким ошди савдосига қўйиш ташкил этилмаяпти. Мулк ҳақиқий эгасининг қўлига ўтгандагина соҳа ривожланади. Чорва қишлови яқин қолди. Буни ҳам унутмаслик жоиз.

Сим орқали ўтган мажлисда вилоят, туман, хўжалик раҳбарларига қуйидаги вазифаларга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Биринчидан, дефолиацияни 10—15 кунда тамомлаш. Республика буйича дефолиацияни кечи билан 15 сентябргача тугатиш, уни бир марта ва сифатли ўтказиш.

Иккинчидан, теримчи ва механизаторларга барча шарт-шароитни яратиш. Терган пахтасига бериладиган ҳақни вақтида тўлаш.

Учинчидан, пахтадан бўшаган ерларни пешма-пеш галла экишга тайёрлаш. Октябрь ойининг ун бешинчи кунигача суғориладиган, ойнинг охиригача лалми майдонларга уруғлик экиб бўлиниши шарт.

Жойларда амалга оширилаётган ишлар юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси Б. Жуманиёзов, Наманган вилояти ҳокими Б. Рапигалиев, Андижон вилояти ҳокими Қ. Обидов, Фарғона вилояти ҳокими М. Исломов, Тошкент вилояти ҳокими Э. Рўзиев, Жиззах вилояти ҳокими А. Тошкенбоев, Сирдарё вилояти ҳокими Ғ. Ҳасанов, Қашқадарё вилояти ҳокими Т. Хидиров, Бухоро вилояти ҳокими М. Раҳмонов, Сурхондарё вилояти ҳокими Ж. Норалиев, Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов, Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмоновнинг ахбороти тингланди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Б. Ҳамидов, М. Усмонов, У. Исмоилов иштирок этишди.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» Деҳқончилик бўлими мудири.

Сурхондарёнинг кўпгина туманларида пахтани қўлда териш бошланди. Чунончи, Жарқўрғон туманидаги Тўхта Шабуров номли жамоа хўжалиги пахтакорлари августнинг биринчи ўн беш кунлигидаёқ дастлабки ҳосилни саралаб теришга киришган эдилар. Хўжалик далаларида ҳосил мўл. Зарпунослар ҳосилдорликни 41 центнерга етказишга аҳд қилишган. Ҳозир ана шу аҳдга яраша терим суръатига кун сайин суръат қўшилмоқда. Чаноқлар табассумни чеҳраларига кўчган суратдаги бу пахтакор қизлар теримнинг илк кунлариданоқ илғорлар сафида боришаяпти. Саломат Раҳмонқулова, Гулнод Йўлдошева ва Муқаддас Эшқувватовалар-нинг ҳар бири кунига хирмонга 80-100 килограммдан дур-жавоҳир териб тўкишаяпти.

И. ХЎЖАЕВ олган сурат (ЎзА).

Шу кунларда далаларни кезган ҳар бир киши деҳқонларнинг фидокорона меҳнат қилиб, жонажон республикамиз мустақиллигига ўз ҳиссаларини қўшаётганликларини кўриб, дилдан қувониши турган гап. Хўжалигимиз заршуносларининг мақсади мўл-кўл маҳсулот етиштириб Ватанимиз равнақига равнақ қўшишдир.

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1995 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унда пахтакор меҳнати муносиб баҳоланган. Икки қаторли пахта териш машинасида терилган 1 тонна пахта учун камида 30 сўм, тўрт қаторли машинада терилганда — 20 сўм, қўлда терилган 1 килограмм пахта учун камида 1 сўм 20 тийин тўлансин, йиғим-терим ишларида банд бўлганлар билан ҳар беш ва 10 кунда ҳисоб-китоб қилинсин», дейилган.

ПАХТАКОР — СЎЗИДА УСТУВОР

Айни кунларда ўз ишимизни шу қарор асосида ташкил этяпмиз. Хўжалигимизда жами 903 гектар майдон бўлиб, шундан 464 гектарига уруғлик пахта экканмиз. Майдонлар 9 та пахтачилик бригадаларига бириктирилиб қўйилган. Барча ерга «Фарғона — 3» навли чигит қадаганмиз.

Ғўза парваришини бир дақиқа сусайтирганимиз йўқ. Хўжалигимизда пахта билан бемалол тиллашадиган, тажрибали деҳқонлар кўп. Улардан бири Тоиржон дастлаб ишни бригадада механизаторликдан бошлаган эди. Олти йилдирки, у илғор бригадага етакчилик қилиб келаяпти. Жорий йилда Тоиржон Тургунов етакчилик қилаётган бригада заршунослари 52 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнерлик хирмон кўтариш йўлида тер тўкишяпти. Машрабжон Умурзоқов, Раҳмонали Жўраев, Раҳимқўзи Холматов каби мираришкорларнинг дилдан қилган меҳнати туфайли ғўза ниҳоллари серҳосил бўлиб ўсяпти. Ҳозирги кунда бригада далаларидаги ғўзаларнинг ҳар тупида ўртача 13-18 тадан булиқ кўсак санаш мумкин. Бригадани-нг Насибахон Ҳақиева, Матлубахон Мамадалиева Раҳимахон Шокирова каби ўнлаб илғор теримчилари мавсумда 6-8 тоннадан дурдона теришга азму қарор қилишиб, пахта теримига пухта ҳозирлик кўришмоқда.

Ғўза чеканкаси қисқа муддатларда ўтказилди. Зараркунандаларга қарши кескин курош олиб бордик. Бундай ишларни намунали ташкил этишда бош агроном Абдухолиқ Холматовнинг жонбозлиги, ташкилотчилиги жуда қўл келди.

Шу кунларда ғўза парваришини бир дақиқа тўхтатмаган ҳолда пахта йиғим-теримига ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўряпмиз.

1200 та этак, 19 та қўл тарозилари ҳозирлаб қўйилди. Марказий ҳамда бригада хирмонларини созлаш тугалланди.

Пахта йиғим-теримида 600 дан ортиқ теримчи фаол иштирок этади. Хўжалигимиз асосан уруғлик пахта етиштиради. Шу сабабли бу йил катта майдондаги пахта қўлда териб олинади. Терим агрегатлари ҳам мавсумга шай этиб қўйилди. Баҳодир Тошпўлатов, Раҳматжон Маматалиев, Машрабжон Умарзоқов каби дала азаматларининг ҳар бири мавсумда 150-200 тоннадан дурдона териб тўкишга сўз беришган.

12 та дала шийпонлари безатилиб, меҳнаткашларнинг дам олиш оромгоҳларига айлантирилган. Битта доимий, 2 та мавсумий болалар боғчалари ишлаб турибди. Далада ишловчиларга бепул иссиқ-овқат ташкил этилган.

Мақсадимиз йиғим-теримни тез ва соз ўтказиб йиллик пахта тайёрлаш режасини 10 октябрга бажаришдир. Сўзимиз қатъий. Унинг устидан чиқиш учун барча имкониятларни ишга соламиз.

Набижон ХОЛМАТОВ,
Олтиариқ туманидаги «Оқбўйра» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.

ПАХТА КАРВОНИ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Узбекистон тумани пахтакорлари Фарғона водийсида биринчилар қатори пахта теримига киришди. 7180 гектарлик туман пахтазорларида ҳосил ҳар қачонгидан эрта етилди. «Ғаниобод» ширкатлар уюшмаси, Сидиқжон Азизов, Ғафур Ғулом, «Пахтакайнар», «Уқчи» синғари жамоа хўжаликларида терим суръати қун сайин ортмоқда.

Ана шу хўжаликларда терилган дастлабки 250 тонна «оқ олтин» ортилган пахта карвони тумандаги «Узбекистон» пахта тозалаш заводига етиб келди. Шу муносабат билан бу ерда бўлиб ўтган митингда Фарғона вилояти ҳокими М. Исломов пахтакорларни терим мавсуми бошланғани билан қутлаб, истиқлол байрами арафасида юксала бошланган хирмон қутбаракали бўлишида уларга муваффақиятлар тилади.

Р. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

ИККИ ҲАФТА ОЛДИН

Мамлакатимизнинг шимолидаги Тахтакўпир туманида пахта йиғим-терими ўтган йилга нисбатан икки ҳафта олдин бошланди. «Мақпалқул» ижара уюшмасининг А. Абдурасулов, Х. Сейтуллаев, С. Сейитназаров бошлиқ бригадаларида дастлабки куниёқ ҳар бир теримчи ўртача 80-85 килограммдан пахта терди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа, Тўрткўл ва Амударё туманларида ҳам пахта теримига киришилди.

А. ИСКАНДАРОВ,
ЎзА мухбири.

МЎЛ ҲОСИЛ

Деҳқоннинг яна серташвиш кунлари бошланмоқда. Ёз буйи қилинган меҳнат меваси — оқ олтинимизни териб олиш ташвиши бугун барча пахтакорнинг ҳаловатини олган. Далада-ги бор ҳосил бир жойга тўпланғандагина у енгил тортади, қанча даромад қилишини ҳисоб-китоб қилади.

Яқинда туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати А. Муминов бригадамиз далаларини айланди. Ғўза парваришини синчиклаб кўрди. Маслаҳат берди. Бу йил ҳосил барвақт етилаётғанини, мавсумга пухта тараддуд кўраётганимиз ҳақида гапириб, сўнг шундай деди:

— Нобудгарчиликка йўл қўймайлик, сифати юқори бўлсин, десак, маврудида теримга тушайлик. Меҳнатга яраша мўмай даромад олайлик. Кўз тегмасин, ҳосил чўғи яхши.

Шу кунлардаги парвариш кўп нарсани ҳал қилади. 585 гектар майдондаги пахтазор сифатли чеканка қилинди. Ҳозир бегона ўтлардан тозаланяпти. Ҳар тупда 9-10 талдан кўсак бор. Гектаридан режадаги 38 ўрнига 42-43 центнердан хирмон кутаришга замин ҳозирланмоқда.

Биз — бешинчи бригада заршунослари ҳам Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинган куннинг тўрт йиллигини муносиб нишонлаш ниятида ҳар гектар пахтазордан 45 центнердан хом ашё олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Далаларда асад оийга белгиланган тадбирлар қизғин давом этмоқда.

Толиб ЖАББОРОВ,
Ғиждувон туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЭКСПОРТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР АЙРИМ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРИШНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон бозорида харидоргир экспорт маҳсулотлар айрим турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, Ўзбекистон Республикаси саноатининг устувор тармоқларини энг қисқа муддатларда жадал ривожлантириш учун зарур бўлган кўп валюта талаб этадиган импорт товарларнинг ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Экспортга йўналтирилган маҳсулотлар айрим турларини ишлаб чиқаришнинг биринчи навбатдаги устувор лойиҳалари рўйхати тасдиқлансин:

«Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси лойиҳаларни Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритсин.

2. Амалга ошириш учун қабул қилинган ва иловага киритилган лойиҳаларни рўёбга чиқарувчи «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Ўзкимёсаноат» уюшмалари, «Ўзқурилишматериаллари» концерни, «Кўмир» акционерлик бирлашмаси объектларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топширишни таъминласинлар. Шу мақсадларда:

«Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси Ўзбекистон республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда томат пастаси ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар етказиб беришга контрактни расмийлаштирсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки «Кўмир» акционерлик бирлашмаси билан биргаликда каолин фабрикаси қурилиши лойиҳасини маблағ билан таъминлаш учун Швейцария кредит муассасалари билан тегишли битимни расмийлаштиришни икки ой муддатда туғаллаш чора-тадбирларини кўрсин.

3. «Махсусқотишма» республика бирлашмаси икки ой муддатда Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати негизида молибден ва вольфрам ишлаб чиқаришни кўпайтириш лойиҳаси бўйича ҳамкорлик схемасини аниқлаш масаласини ишлаб чиқишни тугалласин.

4. «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекенгилсаноат» уюшмалари ва «Махсусқотишма» республика бирлашмаси икки ой муддатда:

амалга ошириш режалаштирилаётган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишни таъминласинлар;

техник-иқтисодий асосланган тайёрланишига кўра уларни экспертизадан ўтказиш учун «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига ўз вақтида тақдим этилишини таъминласинлар.

5. «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси, Ўзбекистон республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки юқорида кўрсатиб ўтилган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланган ўз вақтида экспертизадан ўтказилишини таъминласинлар. Бир ой муддатда экспертиза якунлангандан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда уларни маблағ билан таъминлаш схемаси ва манбаларига оид таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки «Ўзкимёсаноат» уюшмаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда карбамид ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва меламин ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаларининг Европа Қайта қуриш ва тараққиёт банки томонидан маблағ билан таъминланиши тўғрисидаги масалани ишлаб чиқсин.

6. Экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг биринчи навбатдаги устувор лойиҳаларини амалга ошириш учун:

уларни амалга оширишда қатнашувчи корхоналар ўз молиявий маблағларидан ва моддий-техника ресурсларидан энг кўп даражада фойдаланиш чора-тадбирларини кўрсинлар;

Давлат мулки қўмитаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси билан биргаликда тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш, шу жумладан лойиҳаларни амалга оширишда қатнашувчи корхоналарнинг акцияларини чет эл инвесторларига сотиш йўли билан уларнинг негизида акционерлик жамиятлари ташкил этиш орқали жалб этиш масаласини ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси билан биргаликда республикага берилаётган чет эл кредитларидан фойдаланиш масаласини ишлаб чиқсин, Молия вазирлигига, лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш учун чет эл инвестицияларига бўлган талаб доирасида белгиланган тартибда ҳукумат кафолатлари беришга рухсат этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан биргаликда бир ой муддатда ҳукумат кафолатларидан чет эл кредитлари бўйича қарзларни тўлаш учун фойдаланилган тақдирда қарздор корхоналар билан ўзаро ҳисоб-китоблар тартибини ишлаб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Молия вазирлиги билан биргаликда қарздор корхоналар томонидан уларга лойиҳаларни амалга ошириш учун берилган кредит маблағлар ўз вақтида қайтарилиши устидан самарали ва амалий назоратни таъминласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тармоқ уюшмалари, концернлар, корпорациялар, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари ва «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига энг кам маблағ сарфлаган ҳамда минтақаларнинг ҳудудий ва табиий устунликларидан энг кўп даражада фойдаланган ҳолда ташқи бозорда харидоргир ва рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида ишлаб турган, экспортга йўналтирилган корхоналарни модернизациялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш юзасидан таклифлар киритсин.

9. Лойиҳаларнинг барча босқичлари ўз вақтида амалга оширилиши устидан амалий назоратни таъминлаш мақсадида, техник-иқтисодий асосланларни ишлаб чиқиш, экспертиза ўтказиш, чет эллик шериклар ва кредит муассасалари билан контрактлар (шартномалар) тузиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ва объектларни ишга тушириш ҳам шу жумлага киради, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ ташкил этилсин.

Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ ишларнинг аҳволи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар айрим турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг биринчи даражали устувор лойиҳаларини амалга оширишнинг бориши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига мунтазам равишда ахборот бериб турсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарларига зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 23 август.

Истиқлолимизнинг тўрт йиллиги шарафига

«ГАЛЛАОРОЛ» ИБРАТИ

Тадбиркор, ишнинг кўзини билган, олдиндан пухта режа асосида аниқ ҳаракат қилган деҳқон долзарб паллада шошиб қолмайди. Етиштирган ҳосилини нобуд бўлишига йўл қўймайди. Ердан ризқ-насиба ундираётган ҳар бир заҳматкашнинг куни уруғлик эккан онидан бошлаб ҳосилини тез саранжомлаб олиш ташвишида ўтади.

Уруғлик ғалла етиштиришга ихтисослашган «Галлаорол» агрофирмаси Галлаорол туманидаги энг йирик хўжаликлардан бири. Жорий йилда бу ерда 13 минг гектар лалмикор майдонларда ғалла етиштирилди. Режадаги 12 минг 900 тонна ўрнига 18 минг тоннадан зиёд сара уруғлик дон янчиб олинди.

— Бундай муваффақиятга эришишнинг ўзи бўлмади, албатта, — деди биз билан суҳбатда хўжалик бош ҳисоботи Камолиддин Исоқов. — Тоғдек хирмонлар — ҳалол меҳнат самараси. Заминида фидойилик, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик билан қилинган меҳнат, деҳқон меҳри, қалб кўри мужассам.

1994 йилда хўжаликка Аъзам Сулаймонов раҳбар бўлиб келди-ю бу ердаги ҳаёт тубдан ўзгарди. Бошлиқ тадбиркор, ишнинг кўзини биладиган, ташкилотчи, ростгўй бўлса халқ бундай раҳбарга ишонади. У бошлаган йўлга юради. Аъзам ака ана шу хислатлари билан жамоат ишончини оқлади. Меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига оз куч билан катта ишлар қилиш мумкинлигини амалда исботлади.

Муваффақиятнинг яна бир омили — мавжуд техника сифатли таъмирланди. Эскиси янгини тежайди. Далада ётган эски агрегатлар устахонага келтирилди. Зарур қисмларидан фойдаланилди. Раиснинг ўзи таъмирлаш ишларига бош-қош бўлди. Ҳеч ким фойдали ишдан четда турмади. Ҳамма баробар ўз вазифасига масъулият билан ёндошди. Ўрим-йиғим мавсумида комбайнчи ва ўроқчиларга зарур шарт-шароит яратилди. Рўзғорига керакли ашёлар, озиқ-овқат маҳсулотлари бепул берилди. 700 гектар майдондаги ғаллани ўриб-янчган комбайнчига хўжалик раҳбарияти томонидан енгил автомашина, 5 тонна буғдой мукофотга қўйилди. Шунингдек, бошқа қимматбаҳо совринлар таъсис этилди. Ўримда бундай ташкилотчилик ўз самарасини кўрсатди. Натижада етиштирилган мўл ҳосил қисқа муддатда ўриб-янчиб олинди. Мукофотлар меҳнатда шижоат кўрсатган ўроқчи ва комбайнчиларга вилоят ҳокими А. Тошкенбоев томонидан тантанали равишда топширилди. Хўжалик қарзлардан қутилиб, хазинага салмоқли даромад тушди. Бундан ташқари ёнилғини тежаш эвазига қўшимча уч миллион сўм фойда кўрилди.

Хўжалик иқтисоди бақувват-лашди. Ободончилик масалалари ўз-ўзидан ҳал бўла бошлади. Қишлоқлар тўлиқ газлаштирилди. Йўлларга асфальт ётқизилди. Маданий-маиший бинолар қурилиши бошлаб юборилди. Кўп болали оналар, боқувчиси йўқлар, кам таъминланган оилалар таъминотини хўжалик ўз зиммасига олди. Шу йилнинг август ойида 40 нафар хўжалик аъзолари санаторий ва дам олиш уйларига саломатликларини тиклаш учун юборилди. Ишчиларнинг фарзандлари бепул дам олиш оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришмоқда.

Изланувчан раҳбар хўжаликни тиклашнинг янги қирраларини ахтарди. Фермаларда қўйлар вазнига етказилмай гўштга топшириб юборилар эди. Бундан хўжалик фойда ўрнига зарар кўрарди. Қўйлар бош сони ҳам камая бошлади. Раис бунга чек қўйди. Гўштга топшириладиган қўйлар бўрдоқига қўйилди. Емлаб боқилди. Жониворлар эт кўтариб вазни ортгач гўштга топширилди. Натижада режадагидан 60 тонна кўп гўшт тайёрланди. Қўйлар бош сони ҳам сақлаб қолинди. Бундан хўжалик ҳамёни қўшимча 900 минг сўм даромад кўрди.

Кичик корхоналар сони кўпайиб бораяпти. Яқинда ишга туширилган колбаса цехида 7 хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, жунни қайта ишлаш, тикувчилик, сутни қайта ишлаш кичик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли молларига талаб катта бўлаяпти. Энг муҳими, мазкур корхоналарда ўнлаб қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

Хўжалик фермалари тўлиқ механизациялаштирилган.

— 20 минг бош қўй, 2 минг 200 бош қорамол бор, — деди бош зоотехник Неъмат Қурбонов. — Шундан 600 боши соғин сигирлар. Барчаси зотли. Бундан ташқари 230 бош қорабайир зотли отлар бор. Йилқичилик ривожлантирилаяпти. Келгуси йилдан ҳисор қўйларини боқиш ва кўпайтириш йўлга қўйилади. Бунинг учун мустаҳкам озуқа базаси яратилмоқда. Ҳозир ҳар бир шартли мол ҳисобига 18 озуқа бирлиги тайёрланган. Молбоқар, чўпон ва соғувчилар учун барча шароит яратилган. Уларнинг маоши ўртача 900 сўмни ташкил қилаяпти.

Хўжаликнинг уфққа туташиб кетган лалми майдонларида иш қизғин. Раис ер шудгорлаётган баҳайбат К-700 трактори ортидан тўлиқандай ағдарилаётган тупроқдан бир сиқим олиб уқалади.

— Биринчи ёмғирдаёқ уруғлик униб чиқади, иншоолло, — деди хушкайфият билан. — Бу йил 15 минг гектар майдонга уруғлик сепилади. Бу ўтган йилгидан 2 минг гектар кўп. Шунга яраша ишчи кучи, техникани шайлаш керак.

— Техника тайёр, — деди бош муҳандис Халил Равшанов — Худо хоҳласа, ўримга қўшимча янги комбайнлар келтирилади.

Ҳозир далаларда 26 та ҳайдов трактори ишлаб турибди. Эрта-индин шудгорлаш тугалланади. 36 сеялка ва экиш агрегатлари, 130 та борона, 4 та кесак майдалагич мосламалар ишга тайёр. Барча бўлимларда устахоналар мавжуд. Майдонлар экишга сифатли тайёрланаяпти. Ҳайдов тракторларида механизаторлар С. Сафаров, Ш. Бутунов, С. Аҳмедов, А. Қўшмоновлар сўнгги гектарларни шудгорлашмоқда. Иншоолло, келгуси йил ғалла хирмони бундан ҳам юксак кўтарилажак. Бу эса истиқлолимизнинг тўйига хўжалик аҳлининг туҳфаси бўлади.

Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ.

Суратларда: 1. Хўжалик бош зоотехниги Неъмат Қурбонов сут соғувчилар Нигора Ўташева, Гули Оқбўтаева ва Раъно Мамирова ҳузурида. 2. Чўпонлар Илҳом Қозоқбоев, Рисқул Ўташев ва Фахриддин Назаров. 3. Касаба уюшмаси раиса-си Дилбар Саribоева хирмон ишчилари Гавҳар Бўтаева ва Раъно Абдухолиқова билан суҳбатда. 4. Колбаса цехи ишчилари Нуриддин Худойбердиев ва Баҳодир Назаров иш устида.

Муаллиф олган суратлар.

Ўзбекистон мамлакатининг деҳқонлари — пахтакорлар, ғаллакорлар, боғбону сабзаваткорлар фидокорона меҳнат қилиб, йил сайин файзли пайкаллар вужудга келтирадилар. Халқимизнинг ризқи-рўзи бўлган дала неъматларидан мўл-кўл етиштириб, дастурхонимизга файз киритишади. Деҳқонларимизнинг жасоратини тилга олиб тараннум этамиз-у, лекин уларга содиқ, камарбаста миробларнинг таҳсинга лойиқ ишлари ҳақида кам ёзамиз. Сирасини айтганда, саховатпеша дала баҳодирлари шаънига айтилган илиқ сўз ва қутловлар сув таъминоти ходимларига ҳам тегишли, деҳқонларнинг шуҳратига улар ҳам теппа-тенг шерик. Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги — бу иккала тушунча бири иккинчисини кўтаради. Она ер сув билан тирик, усиз ўлик саҳро, сувсиз деҳқончилик қилиб бўлмайди. Алломалар ер-сув тугманмас, қўшалоқ бойлик деб бекорга айтишмаган. Сўз она замин заргарлари бўлган деҳқонларнинг елкадоши — мирoблар хусусида. Суҳбатдошимиз Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги сув ресурслари ва гидромелиоратив тармоқларни ишлатиш бош бошқармасининг бошлиғи Лутфулла Ҳақназарович Муҳаммадназаров. У ўттиз йилдан ортиқ вақтдан бери шу соҳада сидқидил меҳнат қилиб келаяпти.

Миров ~ Замин заргари

БИЗ СУВ ИЧГАН ДАРЁЛАР

— Лутфулла Ҳақназарович, бу йил дарёларимизда сув бирмунча кам бўлди. Аграр мамлакат учун бу вазиятни мураккаблаштириши табиий. Қишлоқ хўжалиги ходимлари фаолиятида шу ҳолатнинг салбий таъсири мумкин қадар оз бўлиши чоралари кўрилди. Бу сув хўжалиги ходимларининг таҳсинга сазовор хизматидан нишона. Мироб-мутахассис сифатида бу йилги камсувлик сабаблари, ўлкамиз дарёларининг бетакрор хусусиятлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Биз — сувчилар хизматини эътироф этганлигингиз учун раҳмат. Бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний ўз рисолаларидан бирида шарқдан ғарбга қараб оққан дарёларнинг сувида ҳикмат бор деб ёзган. Дарёларимиз асосан кун чиқардан бошланиб, кунботарга қараб оқади. Қуёш нурлари эрталаб сувга оқим бўйлаб, туш чоғи тик, сўнгра оқимга тескари йўналишда ёғилади. Натижада дарёлар суви қуёш зарраларини кўплаб ютади, нурга тўйинади ва чинакам оби замзамга айланади. Халқимиз ана шундай дарёлар соҳилида макон топган, хосиятли сувдан истеъмол қилиб, чанқовини босган ҳамда молини, экинларини суғориб келади. Бундай дарёлар сувига қондириб суғорилган пайкалларда етиштирилган ноз-неъматларнинг фойдали хосиятларини таърифлашга менинг тилим ожиз. Яна бир диққатга сазовор мисол. Зарафшон, Чирчиқ, Сўх, Ангрен, Қашқадарё, Сурхондарё ва бошқа ўнлаб дарёларнинг суви сўнгги томчисигача экинзорларимизга таралиб, сингиб кетади.

1995 йил сертаҳлика келди. Дарёларимиздаги сув сатҳи тушиб кетди. Масалан, ўтган йили июнь ойида серсув Амударёнинг кунлик ўртача оқими секундига 4740 куб метрни ташкил этганди. 1995 йилнинг шу даврида эса бу кўрсаткич 2015 куб метрга тушиб қолди. Бошқа дарёларимизда аҳвол янада ночор кечди. Буни табиий офатга тенг дейиш мумкин. 4,2 миллион гектар суғориладиган ерларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимлари кизғин меҳнат билан банд эдилар. Уларга зарур пайтда етарли даражада сув етказиб берилиши керак. Мироблар ҳеч маҳал панд беришмаган. Деҳқонлар сўраган заҳоти сувни муҳайё қилишган. Жорий йилда ҳам биз деҳқонларнинг ишончини оқлашга астойдил интилдик. Йил бошида деҳқонларни сув кам бўлишидан огоҳлантирдик. Ҳосилдан бўшаган ерларнинг табиий намини сақлаб қолиш учун ерга гўнг солиш кераклигини эслатдик. Одатимизга кўра куз ва қишда дарё сувларининг беҳуда оқишига йўл қўймадик. Ортиқча сувлар омборларга тўпланди. Ҳаттоки баҳор тошқини, қор-ёмғир сувларигача селхоналарга тўплаб, келгуси ҳосил учун ғамлаб бордик. Фўзанинг вегетация даври бошланганда вилоятларда, районларда сув таъминоти ходимларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилди. Улар хўжаликларга чиқиб, сувни тежаш, ундан исрофсиз фойдаланиш режимини амалда жорий қилишда кўмаклашдилар. Чунончи, далаларга чиқиб, суғоручилар иши назорат қилинди. Экинзорларни кўллатиб суғорган, тунда суғоришни ташкил қилмаган хўжалик раҳбарларига жазо чоралари кўланилди. Бир сўз билан айтганда, деҳқонлар билан елкама-елка меҳнат қилиб, касбий бурчимизни муносиб ўтаяпмиз. Бу йил пахта йили бўлиши кутилмоқда. Шу ютукда мирobларимизнинг ҳам ҳиссаси бор.

Кези келганда бир масалага эътиборни қаратмоқчиман. Суғориладиган майдонларга бу йил ғалла экқан хўжаликлардан айримлари 5-6 центнердан ҳосил олишди. Бу ҳосил даромади иш ҳақи тугул майдонга етказиб берилган сув қийматини ҳам қоплмайди. Эсиз сув, эсиз ер деб ачинасан киши. Андижон вилоятининг ғаллакорлари ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил кўтаришди. Уларга кўрсатган хизматимиз зое кетмаганидан мамнунмиз.

— Хўжаликларда бўлганингизда сувдан тежаб-тергаб фойдаланилишидан қониқиш ҳосил қилдингизми? Умуман сувни исроф қилмаслик бизда қандай йўлга қўйилган? Бу борадаги таклифларингиз?

— Сувдан тежаб фойдаланиш борасида, афсуски, мақтана олмаймиз. Шаҳарлардаги сингари қишлоқ жойларда ҳам сув етарли қадрланмайди. Агар сувдан яхши фойдаланишни ўргансак эди, ҳар гектар экинзорга сарфланадиган сувдан 2-3 минг куб метр оби ҳаётни тежаб қолган бўлар эдик. Исрофгарчилик сабаби шундаки, текин нарса ҳеч маҳал тежалмаган, қадрланмаган. Ҳозирча сувга ҳақ олинмайди. Шу туфайли сувни эъзозлашни ўрнига қўя олмаяпмиз. Бизнинг иссиқ иқлимда бир қултум сув олтиндан ҳам қиммат эканлигини сўзда эътироф этамиз-у, турмушда унга тўла амал қилинмайди. Ҳукуматимиз бозор шароитида қишлоқ хўжалиги тезроқ кўникма ҳосил қилсин, қийналмай қаддини ростлаш деган фикр билан сувни текин етказиб беришни фармойиш қилган. Хўжаликлар қаддини ростлаб олгач, сув масаласи қайта кўриб чиқилиши зарур. Бизнингча, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси учун оби-ҳаётдан қатъий тежаб фойдаланишни йўлга қўйишга имкон берадиган давлат дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

— Аму, Сирдарёлар ўзанининг катта қисми республикамиз ҳудудидан ўтади. Сув танқислиги юз берганда бу серсув дарёлардан фойдаланиш мумкин эмасми?

— Аму, Сир дарёлари Марказий Осиё давлатлари ҳудудидан оқиб ўтади. Бинобарин, улар халқаро мақомга эга. Бу ҳол давлатларга дарё сувини ўзбошимчалик билан талон-торож қилиш ҳуқуқини бермайди. Ҳар бир давлатнинг дарёдан оладиган йиллик сув миқдори чекланган.

Республикамиздаги экинзорларнинг 2.300 минг гектари Амудан, 1.800 минг гектари Сирдарёдан сув ичади. Бу дарёларда сув икки ҳисса кам бўлгани учун биз ички имкониятларга кўпроқ зўр бердик. Ғамлаб қўйилган сувларимизни сарфладик. Чунончи, Андижон сув омборида тўпланган катта оби-ҳаёт Сирдарёга оқизилди. Тўхтагул сув омборидан катта шартлар эвазига — 1 миллиард сўмлик газ етказиб бериш ҳисобидан сув олдик. Нима қилиб бўлса-да, экинзорларни чанқатиб қўймаслик чораларини кўрдик.

Чордара, Тўхтагул, Қайроққум, Нурек, Чорвоқ сув омборлари ҳам халқаро мақом олган. Уларнинг умумий сув сиғими 40 миллиард куб метрдан ошади. Бу иншоотлардан сув олишда ҳам қатъий меъёр белгиланган. Туркистон ўлкасининг сув ресурслари сўнгги томчисигача ҳисобга олинган ва республикалараро тақсимлаб чиқилган. Ҳар бир мамлакат фақат ўзига ажратилган лимитдаги сувни олади. Ўзбекистонимизнинг йиллик сув истеъмоли 60 миллиард куб метр атрофида белгиланган. Шу сувдан 54 миллиард куб метри қишлоқ хўжалигига, қолгани саноат корхоналарига, ичимлик сув сифатида, коммунал, маиший хизмат тармоқларига тарқатилади. Марказий Осиё мамлакатларининг мирoблари аҳил инок. «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида ҳамкорлик қиламиз. Ўзаро келишиб ишлаймиз. Вазирларимизнинг ўзаро борди-келди алоқалари йўлга қўйилди. Улар ҳар кварталда бир марта навбати билан муаммоларни ҳал қилиш учун учрашадилар.

— Маълумки, Ўзбекистон сув омборлар, насос станциялари мамлакатидир. Бу гидроиншоотлардан фойдаланиш муддати билан боғлиқ муаммолар етилмадими? Бу муаммоларни вазирлик ўз кучи билан ҳал қила оладими?

— Ўзбекистонда замонавий, пухта суғорма деҳқончилик тизими шаклланган. Сув омборларимиз, насос станциялари, гидроузеллар, сувайиргичлар, магистрал каналлар юксалган деҳқончилик маданиятимиз тимсолидир. Бугун республика аҳамиятига молик 53 та сув омбори, 25 та селхона қишлоқ хўжалик ходимлари хизматида. Уларда 15 миллиард куб метрдан ортиқ оби ҳаётни тўплаб, сақлаш мумкин. Бу иншоотларни деҳқончилигимизнинг мустаҳкам таянчлари сифатида қадрлаймиз, асраймиз. Икки миллион гектардан ортиқ экинзорларга насос станциялари ёрдамида сув чиқарилади. Бу иншоотлардан фойдаланиш мураккаб ҳамда серхаражат. Уларни ишлатиш кўп миқдорда ёнилғи, электр энергияси ва одам кучи талаб қилади. Шу туфайли кейинги йилларда ариқлар, каналларнинг сувини экинзорларга ўз оқими билан етиб келадиган бўлишига алоҳида эътибор беряпмиз.

Сув омборларининг фойдаланиш муддати ўртача 50 йил белгиланган. Вақт ўтиши билан уларнинг тубига лойқа ўтириб, саёзлашади. Айрим иншоотлар, масалан, Каттақўрғон сув омбори қурилганига 40 йилдан ошди. У ҳозир таъмирталаб ҳолга келган. Сув омборларини қуйқадан тозалаш катта маблағ талаб қилади. Баъзилар хорижий сармоядорларни бу ишга жалб қилишни бизга маслаҳат қилишмоқда. Лекин вазирлик уларнинг бу таклифига хайрихоҳ эмас. Шундай ноёб, азим сув иншоотларини барпо қилган халқимиз уларни таъмирлашнинг ҳам уддасидан чиқади. Бу иншоотларни лойқадан тозалаш ва таъмирлашнинг хорижий мамлакатлар ҳавас қилса арзийдиган мақбул усули лойиҳасини яратганмиз. Сув иншоотларининг асбоб-ускуналарини топиш деярли қийинчилик туғдирмайди. Уларнинг барчасини вазирликнинг тажриба-механика заводларида ясаш имкониятига эгамиз.

— Сўнгги саволимиз Сибирь дарёлари хусусида. Сибирь дарёлари сувини Ўрта Осиёга оқизиш масаласи яна кун тартибига қўйилиши мумкинми?

— Маълумки, бу масалага муносабат турлича. Бундан 3-4 йил муқаддам Сибирь дарёларининг сувини жанубга буриш масаласига қарши бўлган шахсларни энг одил ҳакам — вақт саботи ёқламади. Балки дастлабки фикрларнинг тўғрилигини тасдиқлади. Орол денгизи тақдирини МДҲ мамлакатлари кучғайратини бирлаштириш йўли билан ижобий ҳал қилиш мумкин.

Баҳром ҚАҲҲОРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ҚУРИЛИШЛАР УЧУН

Қўрғонтепа туманидаги «Яратувчи» кичик корхонасида якка тартибда уй-жой қуриш учун ҳар кеча кундузда 40 мингта хом ғишт ва 20 мингта пишиқ ғишт ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда асфальт ва оҳак цехлари ҳам ишлаб турибди. Ўтган йили корхона 6 миллион сўмлик қурилиш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарган эди. Бу йил эса ундан бир ярим баравар кўп маҳсулот чиқариш режалаштирилаяпти.

К. НИЗОМОВ, ЎзА мухбири.

ФЕРМЕРНИНГ ҲАҚҚИ ТАЛАБИ

Қ/ҳақиқати '95.25 авг. №34

Абдурасул акани кўпдан биламан. Суяги меҳнатда қотган, ишнинг кўзини биладиган тажрибали чорвадор. У илгари тумандаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигининг сут-товар фермаси мудири эди. Ўшанда мазкур жамоа нафақат Пискент туманида, вилоятда ҳам чорва маҳсулотларини етиштиришда илғорлар сафида эди. Туман газетасида моҳир чорвадорнинг бой тажрибаси кўп марта тарғиб қилинган. Унинг ҳузурига кўплар иш ўрганиш учун боришарди.

Ўтган йили Абдурасул ака бошқараётган ферма хусусийлаштирилди. Унинг ўрнида «Камолот» ҳиссадорлик жамияти ташкил топди. Уни билганлар «Ана энди Абдурасулга етадиган бўлмайди, мулк ўз эгасини топди» дейишди. Чиндан ҳам одамларнинг фикри асосли эди. Тадбиркор чорвадор янада шижоат, келажакка ишонч билан ишга киришди. Лекин кўп ўтмай турли қийинчиликларга дуч кела бошлади. Қўлида туман ҳокимлигининг хусусийлаштириш бўйича чиқазган махсус қарори. Унда кўрсатилишича, мулк тўлалигича жамият ихтиёрига ўтиши лозим эди. Муҳр тайёрлатиш ва туман «Тадбиркор» банкида махсус ҳисоб рақами очиш учун 2-3 ой кетди. Аммо жамоа хўжалигидан техника ва озуқага ажратилган ерни олиш учун идорама-идора югураверib тинкаси қуриди. Ниҳоят, техника ва ернинг бир қисмини олди ҳам. Афсуски муддатини ўтаб булган, шалаги чиққан агрегатларни беришди. Оқибатда ўтган йили мўлжалдаги ем-хашакни жамғариш имкони бўлмади. Шу сабабли қабул қилиб олинган 842 бош қорамол Абдурасул аканинг қарийб 25 йиллик чорвадорлик фаолияти давомида биринчи марта базўр қишловдан чиқди, кўпи касалга чалинди. Мажбурий суйиш ҳоллари ортди. Маҳсулдорлик камайиб кетди.

Юз берган аҳволни батафсил ўрганиш мақсадида туман деҳқончилик саноати уюшмасининг чорвачилик бўлими бошлиғи Шодимурод Мирзаев билан учрашдик. Ундан Абдурасул аканинг ишлари ҳақида сурадик.

— Ўн марта эшитгандан, бир марта кўрган яхши, — деди у. — Фермага борайлик, бир йўла қилинаётган ишлар билан ҳам таниш қайтасиз.

Ўша куниёқ чорвадорлар ҳузурида бўлдик. Ишлар ҳар қалай андак жойидан силжибди. Қишловга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ҳозиргача қарийб 1000 тонна хашак жамғариб қўйилибди, давлатга гўшт сотиш етти ойлик режаси ортиғи билан адо этилибди. Сут ишлаб чиқаришда ҳам катта ўзгаришлар бор. Айниқса, молларнинг тирик вазнида ферма давлат тасарруфида бўлган кезларга нисбатан катта фарқ бор. Чорвадорлар Олмалиқ шаҳрида гўшт дўкони очишди. Аҳолига сут сотиш йўлга қўйилди.

Ҳисоб рақамимизда пул жамғариб олдик, — дейди Абдурасул ака. — Шуни эвазига Янгийўл ёг-мой комбинатидан шрот-кунжара олиб турибмиз. Эски техника воситаларини ҳам ишга яроқли ҳолга келтириб олдик.

Абдурасул ака жим қолди.

— Ер масаласи ҳал бўлдими? — сўрадим ундан.

— Бўлмаяпти ука. Раис фермага ажратилган ернинг 250 гектарига кўкламда бошқа экин эктириб юборган, — деди у куйиниб.

Дарвоқе, Абдурасул аканинг куйинганича бор. Бу бугун ёки кеча пайдо бўлган муаммо эмас. У қўлида туман ҳокимининг махсус қарори билан яқин бир йилдан буён чопиб юрибди. Қарорда эса ферма хусусийлаштирилиши билан чорва моллари учун ажратилган озуқа майдонларини тўлалигича мулк эгаларига ўтказиб бериш лозимлиги кўрсатиб қўйилган. Шундай экан, хўш, Абдурасул ака Умировнинг ҳақли талабини ким бажаради?

И. ТОШЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири

БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

Самарқанд шаҳрида истиқлол байрамига тайёргарлик қизғин давом этмоқда. Қутлуғ айём арафасида ишга туширилади-ган юздан зиёд иншоот қурилиши поёнига етказилмоқда. Булар орасида Алишер Навоий ва Фотеҳ Ниёзий музейлари бор. Барча 233 маҳалла «Шаҳарнинг энг яхши маҳалласи» кўрик-танловида қатнашмоқда.

БОЙСУНЛИКЛАР ХУРСАНД

Сурхондарё вилоятининг тоғлар орасида жойлашган Бойсун тумани меҳнаткашлари мустақиллик байрамига қувонч билан ҳозирлик кўрмоқда. Бу ердаги қишлоқларга табиий газ келмоқда. Узунлиги 38 километрли «Тангиқуш-Бойсун» газ қувурининг 25 километри ётқизиб бўлинди. Ҳалемай минглаб ҳонадонларда «зангори олов» ёнади. «Мирқоракўз-Кофрун-Тўда-Бойсун» қувури орқали зилол сув кела бошлади. Байрам арафасида Сариосиё қишлоғида 674 ўринли мухташам мактаб ўқувчиларни бағрига олади.

(ЎзА).

САХОВАТ

Пахтакор етиштирган оқ олтинига яраша ҳақ белгилангани ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори бизни ҳам ғоят хушнуд этди. Албатта, барака, иш унумининг бош омили — моддий манфаатдорликда. Миришкор вақтида рағбатлантирилса давлат иқтисоди ҳам мустаҳкамланаверади. Ортиқча сарф-харажат, ҳосил исрофгарчилигига йўл қўйилмайди.

Қарорнинг иккинчи бандида жумладан: «...пахта тайёрлаш бўйича белгиланган топшириқни бажарган хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта маҳсулоти улуши унинг харид ҳажмининг 40 фоизигача оширилганлиги, пахта толасига давлат буюртмаси эса 60 фоизгача пасайтирилганлиги ижро этиш учун қабул қилинсин» деб ёзилган. Бу хўжаликлар қаддини тиклашга яратилган катта имкониятдир. Бозор муносабатларига ўтиш даврида хўжаликларга тобора эркинлик берилаётганидан мамнунмиз. Фаол ҳаракат қилиш ўзимизга фойда демакдир. Яна бир муҳим жиҳати ислоҳотлар муваффақияти ҳам шунда.

Жамоамиз давлатга оқ олтин топшириш режасини бултур вилоятда биринчилар қаторида адо этди. Ҳар гектар майдондан мўлжалдаги 28 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил тўпланди. Ихтиёримизда қолдирилган ҳом ашё эвазига жамоамиз аъзоларига 13 тонна пахта ёғи тарқатдик. Яна 9 тонна ёғ бор. Шунингдек 5 тонна шакар, 5 тонна гуруч ҳам арзон нархларда берилди.

Халқимиз меҳнаткаш. Заминга қалб кўрини бериб дур ундиришни билади. Ҳар қарич ердан мўл ҳосил олишга интилади. Фақат унинг фидокорона меҳнат қилишига шароит бўлса бас. Бу йил 350 гектар жойда пахта етиштираяпмиз. Орзуимиз — ҳар гектар пахтазордан 35 центнердан хирмон тиклаш.

Шу ниятда агротехник тадбирларни муддатида, сифатли ўтказаяпмиз. Экин парваришига эътиборни ниҳоятда кучайтирдик. Маълумки, август — ҳосил тўплашда муҳим давр. Кекса пахтакорлар, тажрибали мутахассислар маслаҳатларига амал қилаяпмиз. Барча майдонлардаги ғўзалар сифатли чеканка қилинди.

Мазкур қарор матбуотда эълон қилингач, дала шийпонларида уни муҳокама қилдик. Йиғим-терим мавсумига тайёргарлик тадбирларини белгиладик. Айни вақтда қабул қилинган ушбу ҳужжат барчанинг қалбига хушнудлик солди. Қўлда терилган бир килограмм пахта учун тўланадиган ҳақ камида 1 сўм 20 тийин белгиланиши деҳқон оиласига мўмай даромад келтиради.

Деҳончиликнинг ҳамма соҳаларини ривожлантиришга интилмоқдамиз. Ҳар гектар ердан ўртача 42 центнердан ғалла етиштирдик. Давлатга 762 тонна сара буғдой топширдик. 100 тонна уруғлик ғамладик. 140 тоннасини аҳолига тарқатдик.

Юртбошимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида кўраётган тадбирлари хайрли натижаларини бераётир. Ер ҳақиқий эгасини топаяпти. Масалан, оилавий пудрат асосида деҳқончилик қилаётган Бурҳон Йўлдошев 15 гектар ернинг ҳар гектаридан 52,5 центнердан ғалла олди. Абдураҳмон Раҳимбоев эса 53 центнердан олди. Бундай фидойи миришкорлар бизда кўп.

Даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб, дейдилар. Мана, амалдаги деҳқончилик йилимизнинг энг масъулиятли дамлари арафасидамиз. Баҳордан буён қилган-машаққатли меҳнатимиз якуни сарҳисоб этиладиган кунлар яқин. Нобудгарчиликка йўл қўймай, пахта ҳосилини ёғин-сочинли кунларга қолдирмай саранжомлаб олиш қатъий аҳдимиз.

Мустақил Ўзбекистонимиз мустақиллигининг тўрт йиллигини нишонлагач, биз чинозликлар яна бир тўй қилмоқчимиз. Чинозлик миришкорлар кўзланган пахта хирмонини тиклаган куни туманимизнинг 60 йиллигини нишонлаш ниятидамиз. Тўйга тўёна қилиб маррага биринчилар қаторида етишни дилимизга тугиб, мавсум тадоригини кўраяпмиз.

Турғунбой БОТИРОВ, Чиноз туманидаги Амир Темур номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати.

«ЎЗМЕВАСАБЗАВОТБАНК» МИРИШКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Иқтисодий ислоҳотлар халқ хўжалигининг барча тармоқлари каби банк тизимида ҳам изчил амалга оширилмоқда. Кейинги пайтда «Ғаллабанк», «Ўзмевасабзавотбанк», «Пахтабанк»нинг ташкил қилиниши фикримизнинг далилидир. Янги банкларнинг вужудга келиши тўловларни ўз вақтида амалга оширишга, тизимда хизматни ривожлантиришга, мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилашга, халқ хўжалигини жадаллаштиришга ўз ҳиссасини қўшиши шубҳасиз. Мухбиримизнинг «Ўзмевасабзавотбанк» ихтисослашган акционерлик-тижорат банки бошқаруви раиси Ў. Ш. МУЗАФФАРОВ билан қилган суҳбати ҳам шу хусусда бўлди.

— Республикамиз қишлоқ хўжалида мева-сабзавотчилик тармоғининг алоҳида ўрни бор. Шу боис иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда Сиз раҳбарлик қилаётган банкнинг ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Муассасанинг вазифалари ва келгусидаги режалари тўғрисида сўзлаб берсангиз?

— Юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Амалга оширилаётган ишлар яқин орада республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг порлоқ истиқболини таъминлашда узининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

Халқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар хусусан банк тизими ишини, унинг фаолиятини ҳозирги замон талаблари ва жаҳон банкларининг тажрибаларини ҳисобга олиб ташкил этишни тақозо этмоқда. Ҳозир мамлакатимизда бозор муносабатлари мажмуини ташкил этишнинг янги, муҳим босқичи бошланди. Республикада пул ва кредит тизимини ислоҳ қилиш бозор иқтисодиетига ўтишда йирик омиллардан ҳисобланади.

Ҳозир банк тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар давлатнинг иқтисодий мақсадларига эришишида етакчи омил бўлиб хизмат қилиши керак. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, банк иқтисодиетнинг ажралмас қисмидир ва уни тубдан қайта қуришда қудратли воситадир.

Иқтисодиетнинг аграр секторини ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш республиканинг бозорга ўтишдаги бутун стратегиясида ҳал этувчи бўғиндир. Боиси қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодиетида алоҳида ўрни бор. Халқимизнинг 60 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилиши ва миллий даромаднинг 44 фоиздан ортиғи бу тармоқдан олиниши фикримизнинг далилидир. Президентимиз ҳам қишлоқ миллий бойлигимизнинг энг муҳим манбаи деб жуда тўғри таъкидлаган.

Агросаноат мажмуасининг узига хос мураккаб қийинчиликлари ҳам бор. Лекин шунга қарамасдан тармоқда бозор иқтисодиетига ўтиш даврида зарур шарт-шароитлар яратилмоқда, тадбирлар белгиланяпти.

Қишлоқ хўжалик тармоғининг муҳим соҳаларидан бири мева-сабзавот, узумчилик ва уларни қайта ишловчи саноат корхоналаридир. Озиқ-овқат саноатининг кўп қисми ҳам шу тармоқ маҳсулотлари ҳисобига ишлайди. Ушбу ташкилотларнинг янада ривожланишини маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йил охирида ҳукумат қарори билан республика ихтисослашган акциядорлик тижорат банки — «Ўзмевасабзавотбанк» ташкил этилди. Унинг асосий вазифалари юқорида номи қайд этилган тармоқларга ва мулкчилик кўринишидан қатъий назар хўжаликларга кредит бериш ҳисоб-китоб хизматини кўрсатиш, тармоқнинг бекор турган маблағларини самарали тадбирларга, яъни тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги муҳим йўналишларга сарф этиш қилиб белгиланди.

Банкнинг асосий таъсисчилари — «Ўзмевасабзавотузумсаноат», Озиқ-овқат саноати, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмалари ва Молия вазирлигидир.

Долзарб мавзуда суҳбат

Ҳозир банкнинг акциядорлари 50 дан ошиб кетди, улар ичида йирик корхоналар ва бирлашмалар ҳам мавжуд. «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Ёғмойтамакисаноат» уюшмалари, «Тошкентвино» комбинати, Тошкент шампан заводи, Янгийул агросанот фирмаси, Андижон агросаноат фирмаси, Тошкент ва Янгийл ёғ-мой комбинатлари ва шунга ўхшаш қатор иссадорлар шулар жумласига киради. Банкнинг устав фонди 10 миллион сўмни ташкил этади.

Ҳозир деярли ҳамма вилоятларда банкимизнинг филиаллари очилган (Навоий, Тошкент вилоятларидан ташқари), шулардан 9 таси мижозларга мунтазам хизмат қилиб турибди. Энди ниятимиз республикамизнинг мева, сабзавот ва узумчиликка ихтисослашган туманларида банк шўъбаларини очишдир. Келгусида уларнинг сони 30 дан ошади ва 2000 дан ошиқ мижозларга хизмат кўрсатиш кўзда тутилаяпти. Шу йил 1 июлгача тармоқ корхоналарида 200 миллион сўмдан ошиқ кредит қўйилмалари амалга оширилди.

Айни пайтда банкимизда мижозларни бошқа банклардан қабул қилиб олиш жараёни давом этмоқда. Ҳозир республикада 500 дан ошиқ банк муассасалари ишлаб турганини ҳисобга олганда мижозларни банкка жалб этиш осон эмас, шунинг учун қайси банк мижозга яхши хизмат кўрсатса, унинг иқтисодий муаммоларини ҳал этишда ёрдам берса, мижозлар ўша банкни танлайди. Табиийки, бу банклар орасида соғлом рақобатни вужудга келтиради.

— Банкда тармоқ хўжаликлари ва қайта ишлаш корхоналарига қарз беришда ҳамда улар билан ишлашда имтиёзлар мавжудми? Бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил тўхталсангиз. Шу билан бирга айрим вилоятларда хўжаликлар ва корхоналар тошширилган маҳсулот учун ўз вақтида пул ололмаётгани сир эмас. Мазкур банк вужудга келгандан кейин бу ишлар бирмунча бўлса-да енгиллашдими?

— Банкимиз муассасалари тармоқ хўжаликлари ва ташкилотларига маълум имтиёзлар асосида хизмат кўрсатади. Биринчи навбатда илгари кўп банкларда бўлган расмиятчилик, сансалорлик ва бошқа иллатлардан холи бўлиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бундан ташқари қарз беришда кредит бозоридан маълум даражада пастроқ бўлган фоизлар қўлланилмоқда.

Шу билан бирга республика иқтисодиетини барқарорлаштириш, узаро ҳисоб-китоб ишларини яхшилаш мақсадида банкимиз узининг векселини муомалага чиқазди. Бу ҳозир иккита эмиссия бўйича 60 миллионни ташкил қилади. Биринчи чиқарилган 10 миллион сўмлик вексел 8-9 маротаба айланди. 90 миллион сўмлик тўловларни бажарди ва шу ҳажмда дебитор-кредитор қарзларни камайтирди. Иккинчи муомалада чиқаётгани 50 миллион сўмликдир. Бу 8 марта айланганда 400 миллион сўмлик тўловларни бажаради. Унинг тўлов занжири асосан қуйидагича: қайта ишлаш корхоналари, қишлоқ хўжалик корхонаси, нефть ёқилги базалари, химсервис ташкилотлари, химия заводлари, энергетика корхоналари ва бошқалар ҳамда банк. Ҳуллас, банк томонидан чиқарилган кўп векселлар 10 дан ошиқ ташкилотларнинг товар сотиб олиш жараёнида тўлов воситаси сифатида муомалада қатнашмоқда. Ҳозир хўжаликлар унинг қўлликларига тўла тушундилар ва векселга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортмоқда.

Муомалага чиқарилаётган векселларнинг ярми вексель кредити ҳисобидан берилади, яъни биринчи навбатда акциядорларга, тармоқ ташкилотларига берилади. Агар ҳисоб варақасида пули бўлмаса, вексель кредити ҳисобига имтиёзли фоиз асосида (70-80 фоиз) ажратилади. Унинг муддати 6 ой.

Келгусида юртимизда тармоқни ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда банкнинг вазифаси қандай бўлади?

— Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳар қандай хўжалик ёки ташкилотнинг ташқи иқтисодий алоқалари бўлмаса, унинг келажаги бўлмайди. Шу кунларда дала ва боғларда мева, сабзавот ва узумдан мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозир маҳсулотлар Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Россиянинг қатор ҳудудларига олиб бориб сотиляпти. Яна тармоқдаги хўжаликлар ва ташкилотлар жаҳондаги етакчи фирмалар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликда ишламоқдалар. Бу борада тузилган шартномалар шундан далолат беради. Улар ҳам маҳсулотларимизга харидор бўлмоқда.

Банкимизнинг асосий вазифаларидан бири юқоридаги қайд этилган ишларни оширишни молиявий таъминлаш, уларнинг ҳисоб-китобларини бажаришдир. Шу боис ташкилотимизга июлнинг охирида Марказий банк томонидан валюта операцияларини, давлатлараро ҳисоб-китобларни олиб бориш, чет эл банклари билан ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатиш бўйича бош лицензия берилди.

Шунга асосан Россиянинг йирик ва нуфузли тижорат банкларидан ҳисобланган «Инкомбанк», «Тверьуниверсалбанк»лар билан корреспондент алоқалар ўрнатилди. Уларда «рубль» ва «доллар» учун бизга ҳисоб варақалари очилди, яъни бизнинг амалиёт бошқармаси банклар билан пул ўтказиш операцияларини 40 минут ичида амалга ошириши мумкин. Бу табиийки, Россия Федерациясининг шаҳарларига юбориладиган мева-сабзавот, узум учун тўловларни амалга оширишда мижозларга бирмунча қулайлик туғдирди.

Келгусида дунёнинг йирик банклари ҳисобланган Дойчебанк (Олмония), Зироат банкаси (Туркия), Райфазинбанк (Австрия) билан корреспондент алоқалари ўрнатиш мўлжалланяпти.

Ҳар қандай банкнинг келажагини компьютерлар ва электрон почтасиз тасаввур этиш мумкин эмас. Бу борада ҳам маълум ишлар амалга оширилаяпти. Масалан, ҳамма филиалларимиз тўловларни компьютерда электрон почта орқали бажармоқда. Келгусида ҳамма банк шўъбалари учун етарли компьютер ва бошқа замонавий асбоб-ускуналарни чет эллардан сотиб олиш режалаштирилган.

Ҳуллас, банкимиз тармоқни ривожлантиришга, унда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга мавжуд ҳамма имкониятлардан фойдаланиб, уз ҳиссасини қушади.

Суҳбатдош: Ҳ. КАРИМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ДЕҲҚОНГА МАДАДКОРМИЗ

Вилоят ҳиссадорлик матлубот жамиятлари уюшмаси бошқаруви раиси Р. М. Маҳмудов билан қишлоқ аҳолисини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, пахта йиғим-теримига тайёргарликнинг бориши, қўшимча ишчи ўринлари барпо этиш юзасидан кўрилаётган тадбирлар ҳақида суҳбатлашдик.

Ислоҳот амалда

— Раҳматилла Маҳмудович, маълумки, Бухоро қадимдан илм-фан, савдо ва ҳунармандчилик ривожланган табаррук жойлардан. Бу ердан Буюк Ипак йўли ўтган, минг-минглаб савдогарлар шу заминда тўхтаб товар айирбошлаб Мағрибдан Машриққача қатнаганлар. Шундай кўҳна тарихга эга, савдо-сотиқда бой тажриба тўпланган вилоятда бугунги кунда иқтисодий ислоҳотлар бориши ҳақида гапириб берсангиз.

— Дарҳақиқат, туйларимиз туйбошиси, энг азизи, энг қадрлиси Мустақиллик шодиёнасидир. Туйга туёна ҳозирлаш, уни кўнгилдагидек нишонлаш биз, ўзбекистонликлар учун азалий одат. Матлуботчилар ҳам шу удумга амал қилиб тантанага муносиб туҳфа тайёрлашяпти.

Кооперация мулк шаклини ўзгартириб, хусусийлаштиришни давом эттирган ҳолда фаолиятимизни ой сайин кенгайтирмоқдамиз. Масалан, товар айланишининг умумий ҳажми 1995 йилнинг биринчи ярмида 343,1 миллион сўмга етказилди, жорий нархларда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тўрт маротаба ошди. Умумий товар айланишда ўз маҳсулотларимиз ҳажми 228,3 миллион сўмни ёки 66,5 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган умумий товар ҳажми эса 74,1 миллион сўмга етди. Жумладан, 122 минг шартли банка консерва, 7459 тонна нон маҳсулотлари, 212 тонна қандолат, 55,2 минг декалитр пива, 65,2 декалитр яхна ичимликлар, 14,5 тонна музқаймоқ, 61,3 тонна колбаса, 94 тонна макарон ишлаб чиқарилди. Шунингдек, 5,6 миллион сўмлик кўйлаклар, турли кийимлар, зардўзлик, гиламлар, эшик-ромлар ва қурилиш материаллари ҳам тайёрланди. Ҳуллас, йил охиригача ишлаб чиқариш тармоғини кенгайтириш, мавжуд қувватлардан тўла фойдаланиб халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун зарур чоралар кўрилмоқда.

— Маъмурчилик, арзончиликнинг биринчи шарти — пештахталар сархил молга тўла туришида. Дўкон маҳсулотга тўлса, хонадон рўзғори ҳам бут бўлади. Аҳолини кундалик эҳтиёж молларига талабини қондиришда қандай имкониятлар ишга солинаяпти?

— Жуда тўғри. Деҳқон уйидан, рўзғоридан кўнгли тўқ бўлса, даладаги иши унади. Керагини қидириб сарсон юрмайди. Ун қолмади, туз тугади деб жон койитмайдиган одам ҳақиқий савдогар эмас. Омбордан тайёри келса сотишга ўрганганларни даврнинг ўзи четга суриб қўяпти. Аҳоли эҳтиёжини мунтазам қондириш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва вилоят ҳокимлиги томонидан қабул қилинган «Барака — ҳаракатда» дастури асосида ишни ташкил этганмиз. Ҳамдўстликдаги республикалардан ҳамда марказлаштирилмаган манбалардан 127,9 миллион сўмлик товарлар излаб топилди. Жумладан 84 тонна шакар, 142 тонна чой, 781 тонна гуруч, 2,4 миллион сўмлик ўқув-ёзув қуроллари, 251 та телевизор ва бошқа зарур товарлар келтирилиб сотилди. Ортиқча сарф-харажат, оворагарчиликларга барҳам бериб Бухоро, Жондор, Пешқу ва Шофиркон туманлари нон корхоналарида унни қопсиз сақлаш ва ташиш технологияси жорий этилди. Яқинда шундай мослама Когонда ҳам ишга туширилади.

Россия Федерацияси ва Украина Республикасида очилган 6 та савдо уйлари ва корхоналарга 11,1 миллион сўмлик товарлар юборилди. Ўрнига 16,9 миллион сўмлик зарур халқ истеъмоли маҳсулотлари олинди. Сўнгги бир ярим йилда «Мустақиллик», «Чорминор», «Таъминотчи», «Зафар», «Қуҳна бозор», «Парвоз» савдо ва ишлаб чиқариш корхоналари ташкил қилинди. Уларнинг асосий вазифаси Ҳамдўстлик мамлакатларидан зарур товарлар келтириб, вилоят аҳолисини таъминлашдан иборат. Бундан ташқари йилнинг етти ойи мобайнида озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотларини вақтида дуконларга тарқатиб аҳолига узилишсиз савдо хизмати кўрсатишга эришилди. Бу иш бундан буён янада такомиллаштирилади.

— Гўшт, сут ўзингдан чиқанига нима етсин. Қолаверса, сизнинг тизимда чорвачиликни ривожлантириш қўшимча даромад манбаи ҳам демакдир.

— Келажакда қаддимизни ростлаб, иқтисодимизни мустаҳкамлаш бозор талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришимизга боғлиқ. Бунинг учун ҳом аше ўзимизда қаҳва кўп бўлса, шунча яхши. Айни пайтда тизимимизда 17 та ёрдамчи хўжалик бўлиб, уларда 1656 бош қорамол, 7660 бош қўй-эчки, 1728 бош чўчқа, 190 бош от ва туя, 8800 та парранда боқилмоқда. Шу кунгача қарийб 300 тонна гўшт, 4005 дона қорақўл тери, 35 тонна сут, 220 минг дона тухум етиштирилди. Маҳсулотларнинг бир қисми қайта ишлаш корхоналарига тошширилди, қолгани савдо пештахталарига етказиб берилди.

— Бозорларни ободонлаштириш, қўшимча ишчи ўринлари ташкил этиш юзасидан нималар қилинмоқда?

— Юртбошимизнинг 1995 йил 5 январдаги Фармонини бажара бориб 23 та доимий фаолиятдаги ихтисослашган улгуржи бозорлар ташкил қилинди. Уларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаш асосий вазифамиздир. Шу мақсадда жамоа хўжаликлари, хусусий товар ишлаб чиқарувчилар билан 1442 та шартнома тузилиб, 17.337 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олишга келишилган. Шу кунгача бозорлар режадаги 1.228 минг сўм ўрнига 1.428 минг сўмлик маҳсулот олишди.

Тизимимиз бўйича, шунингдек, 11 та гузарлар ташкил қилинди. Уларда чойхона, турли дуконлар, сартарошхона, кухнадўзлик, тикув цехи, новвойхона, суратхона, қассобхона ва бошқа хизмат кўрсатиш турлари ишлаб турибди. Гузарлар очилиши туфайли ўнлаб нафар одамлар иш билан таъминланди. Етти ой давомида яна 12 та озиқ-овқат (нон, макарон, қандолат) ва 7 та ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цехлар очилди, 68 нафар киши ишга жойлаштирилди.

Хусусийлаштирилган дўконлар эгаларининг аксарияти ҳақиқий ишбилармон эканликларини амалда исботлашаётир. Сизларда бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

— Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 майдаги қарорига мувофиқ тизимдаги 230 та савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳиссадорлик жамиятлари таркибидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди. 45 та савдо корхонаси очиқ ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Жами 1158 та савдо, умумий овқатланиш ва ишлаб чиқариш корхоналари эгаларига топширилди. Ҳаммаси билан уч томонлама шартномалар тузилган. Савдо ташкилотларининг айланма маблағлари салмогини кескин кўпайтириш мақсадида 22,1 миллион сўмлик кредит берилди. Вилоят ҳокимининг 1995 йил 29 майдаги қарорига асосан матлубот кооперацияси тизимидаги раҳбарлар ва мутахассислар аттестациядан ўтказилди. Бошқарув аппарати ходимлари сони 50 фоизга қисқартирилди.

— Вазирлар Маҳкамасининг «1995 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида «Ўзбекбирлашув» тизимидаги жамоалар зиммасига ҳам муҳим вазифалар юкланган. Вилоят матлуботчилари мавсумга қандай ҳозирлик кўришяпти?

— Пахта давлатимизнинг, халқимизнинг бебаҳо бойлиги. У осонликча пишиб етилмайди. Ҳосил унгунча деҳқон қанчалар машаққат чекади. Катта меҳнат эвазига етиштирилган хом ашени нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ҳаммамизнинг бурчимиз. Йиғим-теримда биз матлуботчилар ҳам астойдил ғайрат кўрсатамиз. 35 жойда озиқ-овқат, саноат моллари кўчма савдоси мунтазам ишлайди. 30 жойда умумий овқатланиш хизмати ташкил этилади. Улгуржи савдо базалари раҳбарлари зарур товарлар заҳирасини ғамлашаётир. Ҳиссадорлик жамиятлари раҳбарлари хўжаликлар мутасаддилари билан келишган ҳолда маршрут жадваллари белгилашди. Дўкон ва ошхоналар иш тартиби йиғим-теримда қатнашувчиларнинг дам олиши ва овқатланишига мослаб ўзгартирилди.

— Республикамиз Мустақиллигининг тўрт йиллиги байрам қилинадиган кунлар яқин. Тарихий тантана азим Бухорода ўзига хос ўтказилса керак?

— Албатта. Олдинги йиллардагидан янада файзли ўтказиш ниятидамиз. Байрам дастурхон билан чиройли, деганларидек 22 июлдан бошлаб шаҳарнинг Шаҳристон бозори ва «Бухоро» кинотеатри ёнидаги майдонларда шанба ва якшанба кунлари савдо ярмаркалари ташкил қилинмоқда. Август ойининг охиригача 28 та ярмарка уюштирилиб, унда 5 миллион сўмлик товар сотиш мўлжалланган. Шундай ярмаркалар туман марказларида ҳам ўтмоқда. 31 август ва 1 сентябрь кунларига алоҳида ҳозирлик кўраяпмиз. Ниҳоятда кўп турдаги моллар савдога чиқарилади. Ўша кунлари камида 10 миллион сўмлик егулик, совға-салом, кийим-кечак сотилади. Шунингдек, уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга, турли хайрия жамғармаларига 1 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилади. Мустақиллик байрамигача Олот, Жондор, Ғиждувон ва Бухоро туманлари марказида «Супермаркет» дуконлари ишга туширилди. Йил охиригача барча туман марказларида шундай савдо иншоотлари замонавий жиҳозланиб, аҳолига юксак савияда хизмат кўрсата бошлайди.

Суҳбатни «Қишлоқ ҳаёти» махсус мухбири Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ ёзиб олди.

Когон туманидаги «Матлуботчи» ҳиссадорлик жамияти аъзолари халққа намунали савдо хизмати кўрсатиш билан бирга ишлаб чиқариш тармоқларини ҳам кенгайтирмоқдалар. Жамиятга ёш мутахассис Бахшулло Норов раҳбарлик қилади.

— Етти ойда кўрсатилган савдо хизмати 19 миллион 450 минг сўмни ташкил этди, — дейди у. — Бу йил саккизта жамоа хўжалиги, 15 та фермер, 19 та деҳқон хўжалиги ва 25 та якка тартибдаги хўжаликлар билан шартнома тузилган. Улардан ҳозиргача 15 тонна пиёз, 24 тонна картошка, 18 тонна гўшт, 120 минг дона тухум, 12,5 тонна асал олинди ва савдога чиқарилди.

Ишбилармонлар бозор талаби ва шароитини ўрганиб иш юритмоқдалар. Айни пайтда нон заводи, колбаса цехи, тикиш ва тош йўниш устахоналари, макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар аҳоли хизматида. Қурилиш материаллари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган.

СУРАТЛАРДА: 1. Жамият раиси (ўртада) Б. Норов макарон тайёрлаш цехи ишчилари Р. Ҳайдарова ва У. Ҳожиев билан маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда. 2. Нон цехи бошлиғи Р. Казаков ва технолог О. Мирзаева.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

СЕРДАРОМАД ТАРМОҚ

Зарбдор туманидаги «Ударник» жамоа хўжалигида чорвачиликни, хусусан, гўшт етиштиришни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Фермаларда боқилаётган 1025 бош зотли қорамол ва 3500 та чўчқа зооветеринария қоидалари асосида парвариш қилиняпти.

Хўжаликда шу йилнинг биринчи ярмида она чўчқалардан 1600 та соғлом насл олинди. Йил охиригача жониворларни 5 минг бошга етказиш режалаштирилган. Жамоа меҳнат зафарида тажрибали чорвадор Жавҳар Ҳуббиеванинг хизмати катта бўлаётир. У уз қарамоғидаги 1700 бош чўчқани яхши парваришлаб, қўшимча вазн олишга эришаётир.

— Бу йил давлатга 417 тонна гўшт сотишга шартнома тузганмиз, — деди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Одил Товбаев. — Ҳозиргача қабул пунктларига 270 тонна маҳсулот жўнатдик. Унинг асосий қисми чўчқа гўштидир. Шунинг ҳисобидан 5 миллион сўм даромад оламиз. Сердаромад соҳа — чўчқачиликни янада юксалтириш йўлларини излаяпмиз.

А. ИМОМОВ.

ИНТИЛИШ МАҚСАДГА ЕТКАЗУР

Мустақиллик шарофати туфайли жаҳонга йўл очилиши, чет мамлакатлар ишлаб чиқарилишини таҳлил қилиш ва пировард бугунги кунга келиб республикамиз иқтисодиетига теран назар ташлаш имкони юзага келди. Шу аснода илгариги маъмурий-буйруқбозлик сиёсати даврида-нега кўпгина соҳаларда қолоқлик рўй берди, деган саволга ҳам жавоб топилди. Ўзбекистон Президенти И. Каримов Голландия сафаридан қайтибоқ бу мамлакатда аҳолининг атиги 4 фоизи қишлоқ хўжалигида банд бўлса-да, бутун мамлакат эҳтиёжини қондирибгина қолмай, балки ортиқча маҳсулотни четга чиқараётганлигини алоҳида таъкидлади. Бу масала яқинда Президент ҳузурида идоралараро ўтказилган йиғилишда яна бир бор кўтарилди. Республика қишлоқ хўжалигидаги аҳвол чуқур таҳлил этилиб, соҳани ўнглашнинг қирраси белгиланди.

Пастдарғом — Самарқанд вилоятининг энг катта ва эли зич туманларидан бири. Аҳоли сони ошиб бормоқда. Шу вақтга қадар туманда аҳолининг катта қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлиб келган. Кейинги йилларда туман марказида ва катта қишлоқларда корхоналар ҳамда йирик корхоналарнинг филиаллари очилиши туфайли қишлоқ кишиларининг бир қисми доимий иш билан таъминланди. Шундай бўлса-да, ҳали туманда Президентимиз кўнданг қўяётган масала ҳал этилиши учун кўп иш қилиниши керак.

Айни пайтда туманда истиқомат қилаётган меҳнатга яроқли кишиларнинг аксарияти қишлоқ хўжалигида ишлайди. Ҳисобларга қараганда, улардан ҳар бирининг йиллик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги улуши 1100 сўмликдан бироз ошмоқда. Бу ярим йиллик кўрсаткичлар, холос. Туман саноати, қурилиш ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида бу кўрсаткич 5-6 баравар юқори.

Қишлоқ хўжалигида самарадорликни оширса бўладими? Бу саволга идоралараро йиғилишда Президентимиз аниқ жавоб берди. Дарҳақиқат, ҳамма соҳада ҳам имконият чегараси бор. Ер, сув заҳираларидан меъёридан ортиқ фойдаланиб бўлмайди. Чунки масаланинг бир томони экологик муаммоларга бориб тақалади. Демак, энг тўғри йўл меҳнат унумдорлигини ошириш бўлиб қолади.

Иқтисодий ислоҳотларни амлга ошириш жараёни ортиқча харажатларга чек қўйишни талаб этаяпти. Хизматчилар сони, иш ҳажми ва манфаатдорлигини мутаносиблаштиришга интилиш табиий равишда иш ўринларини қисқартиришга олиб келмоқда. Бу ҳол Пастдаргом тумани учун ҳам бегона эмас. Очиғи, вақтинчалик ишсизларни ҳисобга олмай турганда ҳам туманда аҳоли ўсиши ҳисобига меҳнат ресурслари йилига 2,7-2,8 минг кишига кўпаймоқда. Агар қишлоқ хўжалиги соҳасидан озод қилиниши керак бўлган 11280 кишини ҳам назарга олсак-чи? Уз-ўзидан жиддий ижтимоий масала келиб чиқади. Пастдаргом тумани ҳокимлиги бу борада изчиллик билан иш олиб бораяпти. Ҳисоб-китоб пухта режалаштирилган. Негаки, қишлоқда ислоҳотларни амалга ошириш келгуси 4-5 йил ичида фақат қишлоқ хўжалигидан озод бўладиган 11 мингдан зиёд кишини иш билан таъминлашни тақозо этади. 2000 йилга бориб қишлоқ хўжалигида ҳозиргидан 2,5 баравар кам, яъни 7550 кишини ишлаши режалаштирилган. Хўш, мақсадга эришиш учун амалда нима қилинмоқда? Бунда энг биринчи навбатда қишлоқда кичик саноат корхоналари, хизмат кўрсатиш тармоқлари тизимини кенгайтиришга таянилаётир. Ҳозир туманда 200 дан зиёд кичик корхоналар бўлиб, уларда икки мингга яқин киши ишлаяпти. Бу корхоналарнинг 75-80 фоизи бевосита қишлоқларда жойлашган. Айниқса, қурилиш, дурадгорлик, таъмирлаш билан шуғулланувчи корхоналар тез ривожланаяпти. Ҳозир уларнинг сони 96 тадан 121 тага етди.

Истиқболни режалаштириш ва статистика бўлимидан бизга тақдим этилган маълумотларга қараганда, тумандаги кичик корхоналарнинг бажарган иш ҳажми 1994 йилда 20 миллион сўмликдан ошиб кетди. Туманда ишлаб чиқарилган 42,2 миллион сўмлик саноат маҳсулотларининг атиги 7,5 миллион сўмлиги давлат секторига тўғри келади. Бу мулкчилик шаклининг ўзгариши ва тадбиркорликнинг ривожланиши билан изоҳланади, албатта.

— Энг муҳими, кичик корхоналар давлат аҳамиятига молик вазифаларни бажаришга, Президентимиз фармонларини ўрёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшмоқда, — дейди туман ҳокимиятининг тадбиркорликка кўмаклашиш ва кичик корхоналарни рўйхатга олиш бўлими бошлиғи П. Маматов. — Масалан, «Анҳор» кичик корхонаси кейинги бир неча ойда туман қишлоқларида 20 километрга яқин газ қувурлари ётқизишга эришди. Шу ҳисобдан давлат бюджетига 12 минг сўм фойда келтирилди. Кўп тармоқли «Амир» кичик корхонаси фаолияти ҳам ибратлидир. 1992 йилда «Самарқандпахтасаноатсавдо» бирлашмаси тасарруфида ташкил этилган бу кичик корхона ҳозир йилига 100 тонна пахта толасидан калава тайёрлаб бермоқда ва республиканинг тўқимачилик корхоналарига жўнатмоқда.

Бу кичик корхона раҳбари Х. Авваловнинг айтишича, бундан ташқари корхонада гилам тўқиш, шлако-блок гишт ишлаб чиқариш цехлари фаолият кўрсатаяпти. Касаначилик ривожлантирилган. Шу туфайли «Зарафшон» жамоа хўжалиги ҳудудидаги бир неча қишлоқлардан юзлаб киши доимий иш билан таъминланди. Шунингдек, 105 киши ишлайдиган «Сарибош» кичик корхонаси ҳар ойда 200 минг сўмлик тикувчилик маҳсулотларини савдога чиқараяпти. Бу корхоналарда иш узлуксиз ва 2 сменада олиб борилаётгани ҳам эътиборга лойиқ. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шуни алоҳида айтиш керакки, тадбиркорлик, кичик корхоналар тизимини ривожлантириш билан бирга туман қишлоқларига давлат саноат корхоналари ҳам кириб бораяпти. Жумладан, 1995-96 йилларда С. Бекмуродов номли жамоа хўжалигида шакар заводи, туман маркази яқинида қишлоқ хўжалик техникалари ёқилги насосларини таъмирлаш цехи, консерва, томат цехлари қуриб, ишга тушириш мўлжалланган. Янги иш ўринлари ижтимоий ҳимоянинг кафолатли омилларидан биридир. Саноат ишчининг малакали бўлишини талаб этиши табиий. Шунинг учун ҳар йили минтга яқин киши қайта ўқитилиб, янги ихтисосликларни эгаллаш намунали йўлга қўйилган. Туман ҳокимлиги ишлаб чиққан махсус дастурда режалаштирилгани бўйича қишлоқ хўжалигидан ҳар йили бўшайдиган 1,5-2 минг кишиларнинг аксарияти қишлоқдаги кичик корхоналарга жойлашади. Натижада аср охирига бориб, қишлоқ хўжалигида банд кишилар сони меъёрдагига тенглаштирилиб, меҳнат унумдорлиги ва самарадорлик ҳозиргига нисбатан 4-5 баравар ошиши кутилмоқда.

Албатта, ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Изчил талбирлар туфайли туман ҳокимлигининг қишлоқда ислоҳотларни амалга оширишга доир дастури ўрёбга чиқарилаётир. Дастурни амалга оширишга киришилгандан бери Пастдаргомда деҳқонлар сони камайиб боришига қарамасдан ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 1995 йилда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулот ишлаб чиқариш 2 баравардан зиёдроқ ошди. Қишлоқ хўжалигининг давлат секторида одам сони 30 фоизга камайтирилди. Туманда 1995 йил олти ойида аҳоли жон бошига даромад 107 фоизга ўсди. Мутахассислар буни талбиркорликнинг ривожлантирилиши, аҳолининг уз шахсий ёрдамчи хўжаликларидан, томорқадан самарали фойдаланиши билан изоҳламоқдалар. Айниқса, қишлоқда пулни хизмат кўрсатиш масканлари бултургига қараганда 11 марта ошди. Одамлар ҳам бозор муносабатларининг талабларини тўғри тушунишмоқда ва ўз оиласининг молиявий аҳволини талбиркорлик билан яхшилашга уринмоқдалар. Туманда ҳам даромадли оилалар сони беш фоиз камайгани шундан далолатдир. Зеро, ҳар бир оиладаги тўкинлик-давлат бойлигининг дебочасидир.

Р. ҚУРБОНОВ, «Қишлоқ ҳаёти»нинг жамоатчи мухбири.

ИРМОҚЛАРДАН УММОН БЎЛУР

Ёқубжон Жабборовни Сирдарё вилоятида яхши танишади. Айниқса, у меҳнат қилаётган вилоят фахрийлари шифохонасида даволанган табаррук отахонлар, онахонлар унинг номини самимият билан тилга олишади. Ўз касбига меҳр қўйган йигит ўзидаги иккинчи истеъдод қиррасини қанчалик сир тутмасин, у кўпчиликка ошкор бўлиб қолди: Унинг шеърлари вақтли матбуот саҳифаларида кўрина бошлади. Ҳажвга мойил сатрлари ўқувчиларга нимадир демоқчи бўлаётгандай туюлади. Шоир замонавий матмусалар қабилидаги қаҳрамонлар сийратига ўзига хос чизгилар чизади. Шоирнинг шеърлар дафтарини варақлаб, шеърхонларга кичик бир гулдаста сифатида қуйидаги машқларини танладик.

Жонибек СУБҲОН,
шоир.

КЎНГИЛ

Севсам ҳамки, жонимдан ортиқ,
Не қилайки, севолмам уни,
Қилса ҳам у дилдан илтижо.
Парвозим менга бепарво.
Кўнглимга хуш келмас бир гўзал,
Ўзим севган малагим эса
Менга эмиш ошиғу шайдо.
Севолмасмиш мени ҳеч қачон.
Кўнгли эмиш ўзга бир ёрда,
Туш ларида кўрармиш доим,
Қийнар эмиш уни ҳам ҳижрон.
Васлим эмиш олий муддао.
Кўнгил — кўнгил экан, начора,

ТУШ

Афанди кўрсаки туш:
Туш қурмагур авжига,
Сотиб олганмиш тойчоқ,
Чиққан чоғда узилди.
Кўзикмасин деб ҳатто,
Кўзин очиб афанди,
Тақиб олган кўзмунчоқ.
Қайфияти бузилди.

Тойчоқнинг қоматига
Хотинига ўшқирди:
Боқиб сира тўймасмиш.
— Сабр қилсанг нетарди?
Хотини бир минай деб,
Минганингда, зўриқиб,
Ҳол-жонига қўймасмиш.
Тойчоқ ўлиб кетарди.

ҲАНГОМА

Ҳангома борарди, жуда маромда,
Бундан антиқасин топмоқ кўп маҳол.
Бири салобат-ла қайтарар жавоб,
Бири жиддий туриб берганда савол.

— Дарёга ўт кетса, шўрлик балиқлар
Қайга қочар экан, қандай сақлар жон?
Балиқлар оловда бўлмасдан кабоб,
Тезда қутқаришга бормикин имкон?

Бошқаси ўйланиб, сўз бошлар вазмин:
— Дарё сохилида кўндир дарахтлар.
Мабодо рўй берса бундай бахтсизлик,
Балиқлар дарахтнинг шохига сакрар.

Гурунгбоши баҳсга ясайди якун,
Донишмандай қилиб фикрларни рад:
— Фикрингиз хатодир, ахир балиқлар
Ҳукиздай дарахтда юришмас минбад...

Ёқубжон ЖАББОРОВ,
Боёвут тумани.

КУТЛАЙМИЗ!

Қадрли Тиркаш Эшназаров!

Шу кунларда Сиз ҳаёт йўлингизнинг 55 довонидан шукроналик туйғуси билан ошиб ўтдингиз. Не бахтки, умр китобингизнинг зарварақлари ўтган солномалар ичра ранг-баранг ва бетакрордир. Меҳнат фаолиятингизни 1960 йили «Ғаллаорол» давлат хўжалигида ҳисобчиликдан бошлаган эдингиз. Уз касбингизни пухта билганлигингиз, ҳалол ишлаганлигингиз сабабли 1977 йилдан бошлаб хўжалик бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келаяпсиз.

Умр йўлдошингиз Ҳалимахон билан бирга 5 ўғил, 2 қиз ўстириб вояга етказдингизлар. Катта ўғлингиз Шарофиддин электрчи, Муҳиддин қурувчи, Нуриддин муҳандис эканлиги Сайфиддин сув хўжалигида ишлаётганлиги, кенжа Ҳусниддин эса Тошкент политехника олийгоҳи қошидаги лицейда таҳсил олаётганлиги фарзандлар камолидан дарак беради.

Қизларингиз Гулшод ва Дилраболар ҳам халқ хизматига камарбаста. Келинларингиз Робия, Жамила, Нилуфарлар хонадонингиз файзи. Олти нафар ширин-шакар невараларингиз ҳаёт боғининг гултожиси.

Сиз учун гоят қувончли ушбу кунда «Ғаллаорол» агрофирмаси номидан муборакбод этар эканмиз, узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизга муваффақият, тилаб, фарзандлар, невaралар камолини кўришингизни ният қиламиз.

«Ғаллаорол» ишлаб чиқариш агрофирмаси жамоаси.

«МУСТАҚИЛЛИК» ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

«МУСТАҚИЛЛИК» пул-буюм лотереясини сотиб олиб, Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадио-аппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини Жамғарма банкининг барча муассасаларида, алоқа бўлимларида, савдо ташкилотларида ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

●

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29-30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Тўлиқ маълумотларни Жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95; 45-35-49; 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, МАРКАЗИЙ БАНК, ЖАМҒАРМА БАНК, АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКСАВДО, ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

КИМ ОШДИ САВДОСИДА — ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 мартдаги «Чорвачиликда хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Жиззах туманида чорвачилик фермаларининг «Ким ошди» савдосида ўтказилади.

САВДОГА ҚЎЙИДАГИ ФЕРМАЛАР БАРЧА МОЛ-МУЛКИ БИЛАН ҚЎЙИЛАДИ:

1. Ш. Рашидов номли ширкатлар бирлашмаси ҳудудидаги «Мустақиллик» ҳиссадорлик жамиятининг фермаси.

Умумий ер майдони — 9,37 гектар.

Ферма ҳудудида битта молхона, битта товуқхона, емхона, уй-жой биноси, озуқа цехи, сув иншооти мавжуд.

Ферма 207 бош «Швед» зотли қорамол бўлиб, уларнинг 55 боши соғин сигирлар. Бу ерда битта МТЗ-80 трактори, 2 та т-28х4 трактори, 1 та юкни ўзи ағдарадиган автомобиль, 1 та юклагич, 1 та грейдер, тракторга тиркаб ишлатиладиган ҳашак ўриш механизми, темир арава ва бошқа асосий воситалар мавжуд.

Ферма ер майдонининг бошланғич нархи — 1.555.420 сўм. Мавжуд қорамолларнинг бошланғич нархи — 370.352 сўм, асосий воситаларнинг бошланғич нархи — 481026 сўм. Ферманинг жами бошланғич баҳоси 2.406.798 сўм.

2. У. Хатамов номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги «Ёйилма» ҳиссадорлик жамиятининг фермаси.

Умумий ер майдони — 10,4 гектар, ферма ҳудудида 4 та молхона, ёмхона, 2 та айвон мавжуд.

жами 489 бош «Швед» зотли қорамол бўлиб, унинг 215 боши соғин сигирлардир.

Бу ерда сут соғиш агрегати ва машинаси, ем майдалагич, ёзги айвон, бошқа асосий воситалар мавжуд.

Ферма ер майдонининг бошланғич нархи 1.653.600 сўм, қорамолларнинг бошланғич баҳоси 1.655.746 сўм, асосий воситаларнинг бошланғич нархи 1.385.359 сўм. Ферманинг жами бошланғич нархи 4.694.705 сўм.

***

Жиззах вилояти Зафаробод тумани хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими агрохизмат кўрсатиш уюшмаси билан ҳамкорликда чорвачилик ҳиссадорлик жамиятларининг ким ошди савдосини ўтказади.

КИМ ОШДИ САВДОСИГА ҚЎЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Беруний номли ширкатлар бирлашмаси ҳудудидаги «Занғиота» чорвачилик ҳиссадорлик жамияти асосий ва ёрдамчи воситалари билан.

190 бош моли бор. Озуқа етиштириш учун 110 гектар ер майдони мавжуд.

Бошланғич баҳоси — 4 миллион 271 минг сўм.

2. Ф. Хўжаев номли ширкатлар бирлашмаси ҳудудидаги «Дўстлик» чорвачилик ҳиссадорлик жамияти асосий ва ёрдамчи воситалари билан.

265 бош моли ва озуқа етиштириш учун 135 гектар ер майдони бор.

Бошланғич баҳоси — 2 миллион 873 минг сўм.

***

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ТУМАНЛАРИДА ҚОРАМОЛЧИЛИК ФЕРМАЛАРИ КИМ ОШДИ САВДОСИГА ҚЎЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Сирдарё туманидаги Ж. Маманов номли жамоа хўжалигининг қорамолчилик фермаси.

371 бош қора-ола зотли қорамол, шу жумладан 330 бош сигирнинг бошланғич баҳоси 1739 минг сўм. Иморат баҳоси: 2128,1 минг, техника ва бошқа жиҳозлар баҳоси 909 минг сўм. Ферманинг ер майдони 10,5 гектар бўлиб, баҳоси 1837 минг сўм. Ферманинг дастлабки жами баҳоси 6.613 минг сўм. Ким ошди савдоси ўтказиладиган сана — 27 август.

2. «Сирдарё» ширкатлар уюшмасидаги қорамолчилик фермаси: 520 бош қора-ола зотли қорамолнинг 329 боши сигир бўлиб, баҳоси 1922,4 минг сўм. Иморатлар баҳоси 2.825 минг, техника ва бошқа ускуналар баҳоси эса 288,9 минг сўм. Фермадаги 35 гектар ер майдонининг баҳоси 5950 минг сўм. Ферманинг дастлабки жами баҳоси 11.116,9 минг сўм. Ким ошди савдоси 27 августда ўтказилади.

3. Боёвут туманидаги У. Юсупов номли ширкатлар уюшмасининг қорамолчилик фермаси. 679 бош швед зотли қорамолнинг 312 боши сигир бўлиб, уларнинг баҳоси 2.428 минг сўм. иморатлар баҳоси 4.590 минг, техника ва бошқа ускуналар баҳоси эса 2010 минг сўм. 35 гектар ернинг баҳоси 6142 минг сўм. Ферманинг дастлабки жами баҳоси 15.170 минг сўм.

Ким ошди савдоси 29 августда ўтказилади.

4. Ховос туманидаги Тимирязов номли ширкатлар уюшмасининг қорамолчилик фермаси.

576 бош швед зотли қорамолнинг 196 боши сигир бўлиб, уларнинг баҳоси 1603 минг сўм. Иморатлар баҳоси 202 минг, техника ва бошқа ускуналар баҳоси 200 минг сўм. Ферманинг дастлабки жами баҳоси 2309 минг сўм.

Ким ошди савдоси санаси — 29 август.

Қўшимча маълумотлар учун Сирдарё вилоят деҳқончилик-саноат уюшмасига қуйидаги телефон рақамлари орқали қўнғироқ қилишингиз мумкин: 2-79-10; 2-19-48.

***

Шу йил 11 сентябрь куни Фарғона шаҳрида «Ким ошди» савдоси ўтказилади. Унга Фарғона шаҳар «Оқ арик» жамоа хўжалигининг комплекс сут-товар фермаси қўйилади.

Замонавий типда қурилган иншоотлар, 311 бош қорамол, техника воситалари ва 12,1 гектар ер майдонининг бошланғич баҳоси 10.894.205 сўм.

«КИМ ОШДИ» савдосида қатнашишни хоҳлаганлар шу йилнинг 8 сентябригача қуйидаги манзилгоҳга ариза бериб, мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳар «Оқ арик» кўчаси, 277-уй, «Оқ арик» жамоа хўжалиги биносида. тел: 26-88-68.

ХЎЖАЛИК, КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ, ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА

ЎРАШ-ҚАДОҚЛАШ УСКУНАЛАРИ КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Хўжаликда етиштирилган мева-сабзавотларни дастлабки тарзда қайта ишлаш, сотиш учун ёки корхонада тайёрланган маҳсулотларни идишларга қўйиш учун ураш-қадоқлаш ускуналарига эҳтиж туғилган бўлса, бу борада Сизга «Ўзмашсаноат» бирлашмасининг тажриба-конструкторлик ва технологик бюроси ердам беришга тайёр. Шу ташкилот билан икки томон учун манфаатли асосларда ҳамкорлик қилишингиз мумкин. Сиз учун зарур бўлган қурилма ёки ускуналар қийматининг 15 фоизини банк орқали ўтказиб берсангиз, тайёр маҳсулотни олиш имкониятига эга бўласиз. Тўла ҳисоб-китоб ускуналарни олганингиздан кейин икки ой давомида амалга оширилади. Мазкур ташкилот қуйидаги қурилма ва ускуналарни

СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

— Соатига 1500 килограмм мева-сабзавотни кесиб-тўғрайдиган саноат қурилмаси;

— шарбат, газли ичимликлар ва винони идишларга қуйиш ҳамда қопқоқлаш линияси;

— ёрлиқ — этикеткаларни автоматик епиштириш ускунаси;

— шиша идишлар тозалигини аниқлашда қўлланиладиган машиналар — инспекция ускуналари;

— вино ва бошқа суюқликларни қувур ёки шланг орқали бир жойдан иккинчи ерга етказишда қўлланиладиган марказдан қочирма насослар;

— қишлоқ хўжалиги неъматлари ва бошқа юмшоқ маҳсулотларни майдалаш қурилмалари.

Манзилгоҳ: 700090, Тошкент, Бобур кўчаси, 77-уй.
Телефон: 55-16-11.
Факс: (3712) 55-14-70.

ҚАЙТА ИШЛАСАНГИЗ, ДАРОМАД КЎПАЯДИ

Қишлоқ хўжалик хом ашёсини хўжаликларда, фермерларга қарашли кичик корхоналарда қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ҳолида сотиш кўриладиган даромадни сезиларли даражада кўпайтириш имконини беради. Шунинг учун ҳам Тошкентдаги «Нико-Нур» агрофирмаси қуйидаги ускуналар ва қурилмаларни сотиб олиб, фаолиятингизни кенгайтиришни таклиф қилади:

— Бир кеча-кундузда 100 килограммдан 200 килограммгача мева-сабзавотларни қуритадиган шкафлар. Улардан бештаси ёнма-ён қўйилса, кичик цех вужудга келтирилиши мумкин;

— Соатига 100 килограмм ун ёки 200 килограмм аралаш озуқа тайёрлаш қувватига эга бўлган электр тегирмонлар;

— Бир сменада 500 литр сутни қайта ишлаб, сариёг ва бошқа маҳсулотлар тайёрланадиган кичик цех;

— Бир сменада 2000 пакет маккажухори қаламчаларини тайёрлаш қувватига эга бўлган кичик цех;

— Бир йўла 20 та товуқ ёки 20 килограмм бошқа гўшт маҳсулотлари димлаб пиширилади ган грильбар;

— Ип йигирувчи замонавий электр ускуна.

Мурожаат учун телефонлар: 79-18-30, 79-24-40, 79-24-15,
44-47-69, 62-00-20 (доимий навбатчи).

УРУҒЛИК КАРТОШКАГА ШАРТНОМА ТУЗИНГ

Келгуси йил деҳқончилиги учун уруғлик картошка сотиб олмоқчи бўлган хўжаликлар ва фермерларни Москвадаги «Узбекистон» савдо уйининг Тошкент филиали шартнома тузишга таклиф этади. Бу ташкилот Россия, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлардаги хўжаликлар билан уруғлик картошка сотиб олиш юзасидан шартномалар тузиб, маҳсулотларни Ўзбекистонга жўнатиш тадбирларини кўраяпти. Мазкур идора билан шартнома тузган хўжаликлар ва фермерларга уларнинг буюртмасига кўра «Невский», «Огонёк», «Белорусский ранний», «Родничок», «Детский сельский», «Житомирянка», «Кардинал», «Диомат» ва бошқа нав уруғлик картошка

БИРМУНЧА АРЗОН НАРХЛАРДА

етказиб берилади.

Москвадаги «Узбекистон» савдо уйининг Тошкент филиали «Узмевасабзавотузумсаноат» республика уюшмаси биносида жойлашган.

Телефонлар: 56-33-98; 33-44-43.

ҲИСОБЧИЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

Тошкентдаги ташкилот юқори сифатли қоғозда тайёрланган, бухгалтерия ҳисоб-китоб ишларида кенг қўлланиладиган 150 хилдан ортиқ бланка маҳсулотларини бирмунча арзон нархларда

СОТМОҚДА

Улар орасида тўлов хабарномаси, кирим ва чиқим касса ордерлари, чек реестрлари, тўлов ведомостлари, бошқа бланкалар бор.

Қаттиқ муқовада тайёрланган касса, асосий, иш ҳақи, мол-моддий ресурслар ҳисоб-китоби қайд этиб бориладиган 100 варақли китобларни ҳам сотиб олишингиз мумкин. Шунингдек, бу ташкилотда 84 ўлчамдаги ўров қоғозини, А-3, А-4 ўлчамларидаги ёзув қоғозларини, шарикли ручкаларни, папкалар, скоросшеватель-лар, блокнотларни ҳам харид этишингиз мумкин.

Бундан ташқари мазкур ташкилот шерикларни фирмалар, кичик корхоналар ишини йўлга қўйиш бўйича ҳамкорликка таклиф этади.

Сотиб олинадиган маҳсулотларга банк орқали маблағ ўтказиш йўли билан ёки лимитланган чеклар орқали ҳисоб-китоб қилинади.

Манзилгоҳ: Тошкент, Муқимий кўчаси, 190-уй, «Средазтехэнерго» биноси, 2-қават, 229-хона.
Телефонлар: 77-94-56, 77-94-59, (соат 9 дан 13.00 гача).
Транспорт: метронинг Ҳамза бекатидан 4, 9-трамвайлар, 34, 77-автобуслар билан «Оқтепа майдони» бекатигача борилади.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Расулмат ҲУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИС:
«ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ
ҲОМИЙ:
«Узқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси
«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г—0336, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 17.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 3 4 6